

# Бошқа сайёраларга енгил саёҳат

Рухий устозим  
Шри Шримад Бхактисиддханта Сарасвати  
Махаражнинг марҳамати билан бу асар бутун  
дунё олимларига бағишланади

## Бхактиведанта бук траст

Бошқа сайёраларга енгил саёҳат  
Бхактиведанта бук траст  
Москва - 1992 йил.  
ISBN 5-86175-026-2

Шрила Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг  
ўзбек тилига таржима қилинган асарлари:  
**Асл ҳолидаги “Бхагавад-гита”**  
**Шри Ишопанишад**  
**Мангу лаззат манбаи**  
**Шри Чайтанья таълимоти**  
**Мукамал саволлар, мукамал жавоблар**  
**“Шримад Бхагаватам” 1-3 қўшиқлар**  
**Ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлади**  
**У дунёдаги ҳаёт**  
**Садоқат лаззати**  
**Барча насихатлар мазмуни**

Мундарижа

Сўзбоши  
Рухий оламлар  
Параллел рухий оламнинг таърифи  
Сайёралар тизимининг ранг-баранглиги  
Бхакти-йоганинг асосий қонун-қоидалари

## Сўзбоши

Ҳар бир тирик мавжудот, айниқса юксак даражада ривожланган онг соҳиби бўлган инсон бу дунёда бахтли бўлишни ва мангу яшашни орзу қилади. Бунинг ажабланишлиги жойи йўқ, чунки ўзининг асл табиатига кўра тирик мавжудот чексиз илм ва бахтга, яъни, лаззатга тўла. Ҳозир бу дунёда шартланган ҳолатга тушиб қолгани сабабли у туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқишга интилиб, тирикчилик учун азоб-уқубатларга тўла кураш олиб боришга маҳкум этилган. Албатта, бундай ҳолатда у на бахтга, на мангуликка эриша олмайди.

Ҳозирги даврда одамлар сайёралараро саёҳатга чиқишни орзу қиладилар. Инсонларда пайдо бўладиган бундай орзулар ҳам табиий, чунки ҳар қандай тирик мавжудотнинг ҳам рухий, ҳам моддий оламнинг истаган жойига боришга тўла ҳаққи бор. Ана шундай саёҳатлар ҳар қандай инсонни ҳам ўзига жалб этади ва жуда мароқли, чунки қоинотдаги сон-саноксиз сайёралар турли-туман бўлиб, уларда ҳар хил кўринишдаги тирик мавжудотлар яшайди. **Инсон ўзининг ана шу сайр қилиш истагини йога усули ёрдамида амалга ошириши мумкин.** Йога усули ёрдамида ҳар қандай сайёрага, шунингдек, илм ва лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳукм сурадиган, лаззат келтирадиган қувват эса, туганмас ва хилма-хил бўлган рухий сайёраларга ҳам эришиш мумкин. Рухий сайёраларда эркин ҳаёт кечириш бахтига муяссар бўлган киши ҳеч қачон мусибатларга тўла, ҳар ким албатта туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликларга дучор бўладиган бу дунёга, Ер сайёрасига қайтиб келмайди.

Агар инсон чуқур ишонч билан самимий интилса, баркамолликнинг ана шу поғонасига бемалол эриша олади. Биз таклиф қилаётган **бхакти-йога** усули билан сиз ўз уйингизда ҳам шуғуллана оласиз. Агар бу усулдан тажрибали рухий устоз раҳбарлиги остида фойдалансангиз, у жуда осон ва қизиқарли бўлади. Ушбу китобда биз одамларга, айниқса файласуф ва теолог олимларга, қандай қилиб инсон **бхакти-йога** – йога тизимидаги энг олий йога усулидан фойдаланиб, бошқа сайёраларга эриша олиши мумкинлиги ҳақида ҳикоя қилишга ҳаракат қилганмиз.

## Рухий оламлар

Балки, бир кун келиб дунёвий илм-фан мангу мавжуд бўлган рухий(аксилмоддий) олам борлигини тан олишга ва уни исботлашга эришар. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган кишилар ана шу рухий олам ҳақида узоқ вақтлардан бери ҳеч нарса билмайдилар. Замонавий олимларнинг аксилмоддий табиатга эга бўлган рухий олам ҳақида қандай тасаввурга эга экани ҳақида эса, 1959 йил 27 октябрда Ҳиндистоннинг “Таймс оф Индия” газетасида чоп этилган ушбу мақоладан билиб олиш мумкин:

Стокгольм. 1959 йил, 26 октябрь. Физика соҳаси бўйича Нобел мукофоти америкалик икки олимга – 69 ёшли д-р Эмилио Сегре ҳамда д-р Оуэн Чемберленга берилди. Улар жисм икки хил - моддий ва аксилмоддий кўринишида мавжуд бўлишини исботлаб берганлар... Бу янги назариянинг асосий тамойилига кўра табиатан бутунлай бошқа, аксилмоддий нарсалардан таркиб топган олам ҳам мавжуд бўлиши мумкинлиги назарда тутилади. Ана шу аксилмоддий олам атомар ва субатомар заррачалардан таркиб топган бўлиб, уларнинг ҳаракат қилиши йўналиши бизга маълум бўлган оламдаги зарраларнинг ҳаракат қилиши йўналишига қарама-қарши экани тахмин қилинади. Ана шу икки олам бир-бири билан тўқнашганида кучли портлаш рўй беради ва улар яксон бўладилар.

Демак, мазкур мақолада тасдиқланадики:

1. Моддий атомнинг хусусиятларига қарама-қарши хусусиятларга эга бўлган аксилмоддий атом, зарра мавжуд;
2. Бу моддий оламдан бошқа, биз умуман беҳабар бўлган олам ҳам мавжуд;
3. Моддий ва аксилмоддий оламлар бир-бири билан ўзаро тўқнашиш эҳтимоли бор ва бунинг оқибатида улар яксон бўладилар.

Биз, яъни, илоҳий оламни ўрганиш билан шуғулланадиган теолог олимлар дунёвий олимларнинг ушбу мақолада келтирган ана шу хулосаларининг биринчи ва иккинчи бандларини тўла тан оламиз ва тасдиқлаймиз. Уларнинг хулосаларининг учинчи бандини эса, фақат дунёвий илм-фаннинг аксилмодда ҳақидаги чекланган таърифи сифатида тан олиш мумкин. Бу ерда англашилмовчилик шундан иборатки, дунёвий олимлар аксилмоддани, яъни, руҳни моддий қувватнинг бир кўриниши деб ҳисоблайдилар. Лекин, аслида ҳақиқий аксилмоддий зарра, руҳ моддага нисбатан бутунлай қарама-қарши бўлиши лозим. Модда ўзининг табиатига кўра вақтинча мавжуд, яъни яксон бўлишга маҳкум, аксилмодда(руҳ) эса, моддий сифатларнинг бирортасига эга бўлмаслиги, демак, у ҳеч қачон яксон бўлмаслиги керак. Модда емириладиган, яъни, парчаланадиган бўлса, аксилмодда, руҳ емирилмайдиган, парчаланмайдиган бўлиши лозим. Биз мана шу масалаларни ҳақиқий муқаддас китоблар нуктаи-назаридан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Бутун жаҳон аҳли тан оладиган муқаддас китоблар – қадимий Ведалар ҳисобланади. Улар тўрт қисмдан иборат бўлиб, “Сама-”, “Йаджур-”, “Риг-” ҳамда “Атхарва-веда” деб аталади. Ўртача қобилиятга эга бўлган кишилар Ведалар илмини тўғри тушуна олмайдилар, шу боис уларнинг мазмуни “Маҳобҳорат” эпосида ва ўн саккиз Пуранада батафсил ҳолда, кенгрок тушунтириб берилган. “Рамаяна” ҳам тарихий эпос бўлиб, унда ҳам Ведаларда берилган барча маълумотлар таърифланган. Шундай қилиб, ведавий муқаддас китоблар таркибига бирламчи тўрт Веда, буюк донишманд Валмика ёзган “Рамаяна” эпоси, “Маҳобҳорат” ва Пураналар киради. Упанишадалар бошланғич тўрт Веда таркибига киради, “Веданта-сутра” эса, – барча ведавий адабиётларнинг “қаймоғи” ҳисобланади. “Бхагавад-гита” Упанишадаларнинг якуний хулосалари(квинтэссенцияси) бўлиб, барча ведавий муқаддас китобларни умумлаштиради ва “Веданта-сутра”нинг бирламчи изоҳи ҳисобланади. Шу боис, Ведаларнинг асл моҳиятини билиб олиш учун биргина “Бхагавад-гита”ни чуқур ўрганишнинг ўзи кифоя, чунки уни қувватнинг олий кўриниши(руҳ) ҳақида тўлиқ маълумот бериш учун

руҳий(аксилмоддий) оламдан бу моддий оламга ташир буюрган Парвардигорнинг Ўзи, Шри Кришна баён этган.

Худо Шахсининг қувватининг олий кўриниши “Бхагавад-гита”да *пара-пракрिति* ибораси билан ифодаланади. Олимлар модда икки хил кўринишда мавжуд бўлишини яқинда кашф этганлар, “Бхагавад-гита”да эса, модда ва аксилмодда(руҳ) – Парвардигорнинг икки турли қуввати экани мукамал таърифланган. Модда – моддий оламни яратадиган қувват, ана шу қувват ўзининг олий кўринишида аксилмоддий оламни, яъни, руҳий оламни яратади. Тирик мавжудотлар олий қувватга мансуб. Қуйи, моддий қувват *апара пракрिति* деб аталади. Шундай қилиб, “Бхагавад-гита”да яратувчи қувват икки хил кўринишда таърифланган: *апара* ва *пара пракрिति*.

Аслида модда, асл табиатига кўра мустақил ҳолда яратиш қудратига эга эмас, лекин уни тирик қувват бошқариб турса, у барча моддий нарсаларни яратади. Демак, соф ҳолдаги модда – Олий Зотнинг инерт(жонсиз) қуввати. Ҳар гал қувват ҳақида гапирганда, биз табиий равишда ана шу қувватнинг манбаини ҳам назарда тутамиз. Масалан, бизнинг электр қуввати ҳақидаги тасаввуримиз электр ишлаб чиқариладиган электростанция билан боғлиқ. Қувват мустақил ҳолда мавжуд бўла олмайди, у ҳаммани олий тирик мавжудотнинг назорати остида бўлади. Масалан, олов икки турли қувват – ёруғлик ва иссиқлик манбаи ҳисобланади. Ёруғлик ва иссиқлик оловдан мустақил равишда мавжуд бўла олмайди. Худди шундай, олий ва қуйи қувват ҳам ҳар хил номлар билан аталадиган ягона манбадан келиб чиқади. Ана шу қувват манбаи бутун борлиқни тўлиқ англаб турадиган тирик мавжудот бўлиши лозим. Ана шу олий тирик мавжудот - Парвардигор, Худо Шахси Шри Кришна, яъни, бошқача қилиб айтганда, “ҳаммани ўзига жалб этадиган тирик мавжудот”.

Ведаларда ана шу тирик мавжудот, яъни, Мутлак Ҳақиқат, барча қувватлар манбаи *Бхагаван* – “бутун борлиқнинг эгаси” деб аталади. Олимлар томонидан қувватнинг икки чекланган турининг кашф этилиши – илмий тараққиётнинг шунчаки бошланиши, холос. Энди улар изланишда давом этиб, ана шу зарраларнинг, яъни, улар “моддий” ва “аксилмоддий” деб атаётган икки турли атомларнинг манбаини кашф этишлари лозим.

Хўш, аксилмоддий зарра нима ўзи? Биз моддий заррачаларни – атомларни яхши биламиз, лекин аксилмоддий зарралар ҳақида ҳеч нарса билмаймиз. “Бхагавад-гита”да аксилмоддий зарра нима экани батафсил таърифланади:

*Аксилмоддий зарра моддий тана ичида бўлади. Ичида ана шу аксилмоддий зарра мавжудлиги сабабли моддий тана ўзгариб ёш бола танасидан ўсмир танасига, кейин кекса чол танасига айланади, кейин ана шу аксилмоддий зарра яроқсиз ҳолга келган эски танани тарк этади ва янги танага эга бўлади.*

Тирик мавжудотнинг мана шу таърифи билан икки турли қувват мавжудлиги ҳақидаги илмий кашфиёт тасдиқланади. Ана шу қувватлардан бири – аксилмоддий зарра – танани тарк этиб кетганида, моддий тана умуман кераксиз бўлиб қолади. Шундай қилиб, аксилмоддий зарра моддий қувватга қараганда юқори поғонада туради.

*Шу боис, моддий қувват мавжудликни тарк этганида хавотирга тушишининг ҳожати йўқ. Биз ҳис қиладиган ҳар қандай ҳис-туйғулар: иссиқ ва совуқ, бахт ва мусибат – шунчаки моддий қувватдан таркиб топган унсурларнинг ўзаро фаолияти бўлиб, улар худди ёз ва қиш сингари, бир-бири билан ўрин алмашиб турадилар. Моддаларнинг ўзаро фаолиятининг ана шундай намоён бўлиши ва тўхтаб қолиши тасдиқлайдики, моддий танани моддий қувват яратган. Моддий қувват тирик кучга, яъни, джива деб аталадиган руҳий қувватга нисбатан сифат жиҳатидан паст туради.*

*Буларнинг ҳаммаси - қуйи қувватдан таркиб топган унсурларнинг ўзаро фаолияти натижасида юзага келадиган моддий фаолиятнинг ҳар хил погоналари эканини тушунган ҳолда, бахт кулиб боққанда ҳам, мусибатга учраганда ҳам ўзгармай хотиржам қоладиган ҳар қандай соғлом фикрли инсон илм ва лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳукм сурадиган аксилмоддий(руҳий) оламга қайтиб боришга муносиб зот бўлади.*

Бу ерда айтилган аксилмоддий оламда “мавсумий” ўзгаришлар бўлмайди. У жойда ҳамма нарса ўзгармас, илм ва лаззатга тўла. Лекин, у жойни биз олам деб айтаётган эканмиз, шуни эсда тутишимиз лозимки, ўша олам биз ҳозир сеза олмайдиган ҳар хил киёфа ва шаклларга тўла. Моддий тана емирилади, шу боис у ўткинчи ва ўзгарувчан. Бутун моддий олам ҳам шундай. Аммо, аксилмоддий тирик куч ўзгармас, шу боис у мангу. Шундай қилиб, билимдон олимларнинг фикрига кўра моддий ва аксилмоддий заррачаларнинг хусусиятлари бир-бирига ўхшамайди, чунки улардан бири ўткинчи, иккинчиси мангу.

Модданинг икки тури мавжудлигини кашф этган олимлар ҳали аксилмодданинг хусусиятларини яхшилаб ўрганиб чиқишлари лозим. Лекин "Бҳагавад-гита"да улар аллақачон батафсил таърифланган. Олимлар ўзларининг тадқиқотларини ана шу бебаҳо ахборотдан фойдаланган ҳолда давом эттиришлари мумкин. Аксилмоддий зарра энг нафис моддий заррадан ҳам нозик. Ана шу тирик куч шу қадар қудратлики, у бутун танага ўз таъсирини ўтказиб туради. Аксилмоддий зарра моддий заррага нисбатан чексиз қувватга эга, шу боис у яксон бўлиши мумкин эмас.

"Бҳагавад-гита"нинг ана шу шеърдан аксилмоддий зарраларнинг таърифи бошланади. Унда руҳ (аксилмоддий зарра) ҳақида шундай дейилган:

**Ана шундай нафис табиатга эга бўлган аксилмодда кўпол ва нафис таналар ичига қамалган. Кўпол ва нафис моддий таналар яксон бўлишга маҳқум, лекин, табиатан улардан ҳам нафис бўлган аксилмодда(руҳ) мангу. Шунинг учун ўрганиш лозим бўлган нарса фақат унинг ўзидир.**

Дунёвий олимлар аксилмодда(руҳ)нинг хусусиятларини ўргансалар ва уни ўткинчи моддий зарралар қуршовидан озодликка чиқариб ололсаларгина илм-фан тараққиётини мукамал деб ҳисоблаш мумкин. Ана шундай озодлик илмий тараққиёт чўққиси бўлади.

Олимлар аксилмоддий атомлардан таркиб топган бошқа олам ҳам мавжуд бўлиш эҳтимоли борлигини тан оладилар ва уларнинг ўзаро тўқнашуви уларнинг ҳар иккисининг ҳам яксон бўлишига олиб келади, деб тахмин қиладилар. Бунда ҳам озгина ҳақиқат бор. Ана шундай тўқнашувлар ҳамиша рўй бериб туради: моддий зарралар ҳар лаҳзада яксон бўлиб турадилар, аксилмоддий зарралар эса, озодликка чиқишга

интиладилар. "Бҳагавад-гита"да бу ҳолат шундай тушунтирилади:

**Тирик мавжудот деб аталадиган аксилмоддий зарра моддани ҳаракатга келтиради. Ана шу тирик мавжудотни яксон қилиб бўлмайди. Токи кўпол ва нафис тана деб аталадиган моддий қувват бирикмаси ичида тирик мавжудот мавжуд экан, унда ҳаёт, тириклик аломатлари намоён бўлиб туради. Икки турли заррачалар орасида ҳамиша бўлиб турадиган тўқнашувлар жараёнида аксилмодда(руҳ) ҳеч қачон яксон бўлмайди. Аксилмоддани ҳеч ким, ҳеч қачон яксон қила олмаган, бунга ҳозир ҳам, келажакда ҳам ҳеч ким қодир бўла олмайди.**

Шу боис, бизнинг фикримизга кўра, ҳар икки оламнинг яксон бўлишига олиб келадиган моддий ва аксилмоддий оламларнинг ўзаро тўқнашуви ҳақидаги назария фақат олимларнинг руҳ ҳақидаги чекланган тасавури доирасидагина тўғри бўлади. "Бҳагавад-гита"да яксон қилиб бўлмайдиган мангу руҳнинг, аксилмоддий зарранинг табиати шундай тушунтирилади:

*Нафис ва ўлчаб бўлмайдиган аксилмоддий заррани яксон қилишининг иложи йўқ, у мангу ва ўзгармас. Лекин, руҳни ўраб турган, моддий зарралардан таркиб топган тана вақт ўтиши билан емирилади. Моддий ва руҳий олам ҳам шундай. Руҳ ҳам яксон бўлади деб хавотирланишининг ҳожати йўқ – у моддий оламлар яксон бўлгандан кейин ҳам мавжуд бўлиб қолаверади.*

Яратилган ҳар қандай нарса маълум бир босқичда яксон бўлади. Моддий тана ва моддий олам бир вақтлар яратилган, шу боис, вақти келиб яксон бўлади. Лекин, аксилмоддий зарра ҳеч қачон яратилмагани сабабли уни яксон қилишининг иложи йўқ. Бу "Бҳагавад-гита"да ҳам тасдиқланади:

**Аксилмоддий зарра – тирик куч – ҳеч қачон туғилмайди ва яратилмайди. У - мангу. Унинг туғилган ёки ўлган вақти йўқ. У такрор ва такрор туғилиб ўлишга маҳқум эмас. У мангу мавжуд, шу боис ундан қадимийроқ зот мавжуд эмас, лекин шунга қарамай у ҳамиша янги ва навқирон. Моддий зарра яксон бўлишга маҳқум, аммо аксилмоддий заррага бу қонуннинг дахли йўқ.**

Мана шу гаплар аксилмоддий заррага ҳам, аксилмоддий оламга ҳам тааллуқли. Ҳатто моддий олам яксон бўлганда ҳам аксилмоддий олам мавжуд бўлиб қолаверади. Олимлар "Бҳагавад-гита"дан яна шундай гапларни билиб олишлари мумкин:

*Аксилмодданинг ўзгармас моҳиятини мукамал англаб етган донишманд уни ҳеч қандай йўл билан яксон қилишининг иложи йўқлигини билади.*

Атомшунос олимлар ядровий қурол ёрдамида моддий оламни яксон қилиш ҳақида бош қотиришлари мумкин, лекин бундай қуроллар билан руҳий оламни яксон қилиб бўлмайди. Қуйида аксилмоддий зарра(руҳ) ҳақида батафсилроқ маълумот келтирилган:

*Уни бирор моддий қурол ёрдамида майдалашнинг ёки оловда куйдиришининг, сувда ивитишининг, шамолда қуритишининг ёки буғлатишининг иложи йўқ. У бўлинмайди, эрмайди ва ёнмайди. У мангу, шу боис у ҳар қандай танага кириши ва ундан чиқиб кетиши*

мумкин. У табиатан ўзгармас, у ҳеч қачон ўз хусусиятларини ўзгартирмайди. Унинг табиатини тушунтиришининг иложи йўқ, чунки у моддий сифатларга нисбатан қарама-қарши сифатларга эга. Уни оддий ақл ёрдамида англаб етиб бўлмайди. У ўзгармайди. Шу боис ана шу мангу, аксилмоддий, руҳий заррани қайғуриб мусибатга тушмаслигимиз лозим.

Шундай қилиб, "Бхагавад-гита" ва бошқа ведавий муқаддас китобларда айтилганки, олий(аксилмоддий) қувват – тирик куч, яни, *жива* деб аталадиган тирик жондир. Моддий унсурларни бирлаштириш натижасида бундай тирик заррани яратишнинг иложи йўқ. Қуйи қувват саккиз турли моддий унсурлардан иборат: 1) ер(тупрок), 2) сув, 3) олов, 3) ҳаво, 4) эфир, 5) эфир, 6) ақл, 7) тафаккур, 8) эго(ўзлик). Лекин, бу унсурлардан бошқа, олий қувват деб аталадиган тирик куч, яъни, аксилмоддий табиатга эга бўлган рух, жон ҳам мавжуд. Олий тирик мавжудот, яъни, Парвардигорнинг ҳукми ва назорати остида бўлгани учун улар қувват деб аталадилар.

Узоқ вақтгача дунёвий олимлар ўз изланишларида юқорида кўрсатилган саккиз унсурдан юқори кўтарила олмадилар. Эндиликда улар аксилмоддий зарра ва руҳий олам ҳақида, озгина бўлса ҳам, тасаввурга эга бўла бошлагани жуда катта қувончли ютуқдир. Вақти келиб улар моддий табиатга эга нарсалардан асар ҳам бўлмаган руҳий оламни муносиб қадрлай оладилар, деб умид қиламиз. Аксилмоддий деган иборанинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, руҳий оламнинг табиати моддий оламнинг табиатига нисбатан бутунлай зид, қарама-қарши.

Албатта, руҳий оламни ўзича, ҳеч нарсага асосланмаган ҳолда таърифлайдиган одамлар ҳам топилади. Ундай одамларни икки асосий тоифага ажратиш мумкин, ҳар бир тоифага мансуб одамлар ўзига хос равишда адашадилар. Биринчи тоифа одамлар (ашаддий материалистлар) ё аксилмоддий олам мавжудлигини бутунлай инкор этадилар, ё маълум бир босқичда моддий унсурларнинг яксон бўлиши(ўлим)ни тан оладилар. Иккинчи тоифа одамлар руҳий табиатни моддий оламнинг йигирма тўрт таркибий қисмига қарама-қарши қўядилар. *Санкхья* мактаби издошлари ана шундай йўл тутадилар. Улар моддий унсурларни батафсил ўрганадилар ва бунинг натижасида руҳий унсур ҳам мавжуд бўлишини тан оладилар, лекин уни ҳаракатсиз деб биладилар. Лекин, фақат назарий илм билан шуғулланадиган бундай олимлар маълум қийинчиликларга дуч келадилар, чунки улар фақат қуйи қувватга асосланган ҳолда тахмин қиладилар. Улар юқоридан ахборот олмайдилар. Рух ҳақида аниқ тўғри тасаввурга эга бўлиш учун инсон олий қувватнинг илоҳий поғонасига кўтарилиши лозим. *Бхакти-йога* олий қувватнинг ҳақиқий фаолиятидир.

Моддий оламда юрган ҳолда аксилмоддий оламнинг ҳақиқий ҳолатини англаб етишнинг иложи йўқ. Лекин, ҳам моддий ҳам руҳий оламнинг ҳукмдори бўлган Парвардигор Ўзининг бесабаб марҳамати билан бу оламга ташир буюради ва бизга аксилмоддий руҳий олам ҳақида аниқ маълумотлар беради. Аксилмоддий, яъни, руҳий оламни фақат шу йўл билан англаб етиш мумкин. Айтилганки, Парвардигор ҳам, тирик мавжудот ҳам асл табиатига кўра аксилмоддий, руҳий зотлардир. Шу боис тирик мавжудотларни синчиқлаб чуқур ўрганиш орқали биз Парвардигор ҳақида тасаввурга эга бўла оламиз. Ҳар бир тирик мавжудот – шахс. Демак, олий тирик мавжудот ҳам шахс – Олий Шахс бўлиши керак. Ведавий муқаддас

китобларда аниқ ёзилганки, Олий Шахс – Кришна. Ягона Парвардигорни билдирадиган Кришна ибораси – ҳақиқатан ҳам энг юксак маънога эга бўлган ягона муқаддас номдир. Парвардигор моддий ва аксилмоддий қувватларни бошқариб туради, Кришна ибораси шуни билдирадики, У – олий ҳукмдор. "Бхагавад-гита"да Парвардигор бунинг тасдиқлаб шундай дейди:

**Икки олам мавжуд – моддий ва аксилмоддий. Моддий оламни - сифат жиҳатидан қуйи, саккиз моддий унсурдан таркиб топган қувват яратган. Аксилмоддий олам сифат жиҳатидан олий қувватдан таркиб топган.**

**Моддий олам ҳам, аксилмоддий олам ҳам Олий Илоҳий Зотдан, Худо Шахсидан чиқади, шу боис ҳақли равишда айтишим мумкинки, Мен (Кришна) – бутун борлиқнинг: яратишнинг ҳам, яксон қилишнинг ҳам бошланғич сабабчиси.**

Парвардигорнинг икки қуввати(олий ва қуйи) ҳам моддий, ҳам руҳий оламларни намоён этади, шунинг учун Уни Олий Мутлақ Ҳақиқат деб атайдилар. Парвардигор бунинг "Бхагавад-гита"да шундай тушунтиради:

**О Аржун, Мен илоҳийликнинг энг олий кўринишиман, Мендан буюк зот йўқ. Худди ипга тизилган маржонлардай, бутун борлиқ Менинг қувватларимда жойлашган.**

Қадим замонларда, ҳали аксилмоддий зарра ва аксилмоддий олам кашф қилинмасдан аввал улар "Бхагавад-гита" саҳифаларида таърифланган эди. Унда айтилганки, "Бхагавад-гита" илми аввал Куёш фариштасига берилган, демак, Худо Шахси "Бхагавад-гита" фалсафасини Курукшетрадаги жангдан анча аввал нозил қилган. Замоनावий олимлар "Бхагавад-гита"дан олиш мумкин бўлган илмнинг арзимаган бир қисмини «кашф этиш»га уринганлар.

"Бхагавад-гита"да аксилмоддий олам ҳақида ҳам маълумотлар бор, ана шу маълумотларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, аксилмоддий олам *санатана-дхамма*(мангу табиат) деб аталадиган аксилмоддий осмонда жойлашган.

Моддий олам моддий унсурлардан яратилади, аксилмоддий олам эса, ўзининг ранг-баранг ажойиботлари билан бирга – аксилмоддий атомлардан таркиб топган. Аксилмоддий оламда аксилмоддий тирик мавжудотлар яшайди. Аксилмоддий оламда жонсиз модда йўқ. У жойда ҳамма нарса тирик, ана шу салтанатдаги олий шахс эса, – Парвардигорнинг Ўзи. Аксилмоддий оламдагиларнинг ҳаёти, уларнинг илми ва лаззати мангу, чунки уларга Парвардигорнинг барча сифатлари ато этилган.

Моддий оламдаги энг олий сайёра *Сатъялока*, яъни, *Брахмалока* деб аталади. Унда буюк талант соҳиби бўлган зотлар яшайди. Браҳмалокага бу моддий оламда яратилган биринчи тирик мавжудот Браҳма ҳукмронлик қилади. Браҳма ҳам бизларга ўхшаган тирик мавжудот, лекин у – моддий оламдаги энг талантли, иқтидорли шахс. У шунчалик иқтидорлики, яратиш бобида Парвардигор билан бир қаторда туради, лекин у бевосита Парвардигорнинг Ўзига бўйсунадиган тирик мавжудотлар тоифасига қиради. Парвардигор ҳам, тирик мавжудотлар ҳам аксилмоддий оламга мансуб зотлардир. Шунинг учун аксилмоддий оламнинг табиатини: у қандай бошқарилишини, унда яшайдиган тирик мавжудотларнинг кўринишлари

қандай эканини, уларга ким ҳукмронлик қилиши ва хоказоларни ўрганиш билан машғул бўлиш орқали олимлар бугун инсониятга чексиз фойда келтирадilar. Мана шу масалалар барча ведавий муқаддас китоблар ичида "Шримад Бхагаватам"да батафсил муҳокама қилинган. "Бхагавад-гита" – "Шримад Бхагаватам"га кириш вазифасини ўтайди. Дунёвий олимлар мана шу икки илмлар китобини диққат билан ўрганиб чиқишлари лозим. Олимлар бу китоблардан илм-фан тараққиётининг кўплаб янги йўналишларини топишлари ва ана шу китоблардан олинган маълумотлар кўплаб янги кашфиётларга асос бўлиши мумкин.

Илоҳиёт кишилари ҳамда дунёвий одамлар – икки турли тоифага мансуб инсонлардир. Илоҳиётчи киши ўз илмини ишончли муқаддас китоблардан, хусусан Ведалардан олади. Ведалар адабиётини илоҳий шогирдлар силсиласига мансуб бўлган ишончли зотлар яратадилар. Шогирдлар силсиласи(*парампара*)нинг ана шундай занжири "Бхагавад-гита"да ҳам эслаб ўтилган. Парвардигор "Бхагавад-гита"да айтадики, юзлаб йиллар муқаддам "Бхагавад-гита" илми Куёш фариштасига ўргатилган эди, кейин у бу илмни ўзининг ўғли, ҳозирги даврда яшаб турган одамларнинг бобокалони Ману(Одам Ато)га ўргатган. Ўз навбатида Ману бу илоҳий илмни ўғли, шоҳ Икшвакуга ўргатган. Икшвакудан бошланадиган шоҳлар сулоласида Шри Рам қиёфасида Худо Шахсининг Ўзи бу оламга ташриф буюрган. Парвардигор ер юзига Кришна қиёфасида ташриф буюганида, яъни, бундан беш минг йил аввал, шогирдлар силсиласининг ана шу занжири узилиб қолган эди, шу боис Парвардигор "Бхагавад-гита" илмини Аржунга такроран айтиб берган. Шу тарзда Аржун бизнинг давримизда ана шу илмни бевосита Парвардигорнинг Ўзидан ўрганган биринчи шогирд бўлди. Демак, ҳозирги илоҳиёт кишилари Аржундан бошланадиган шогирдлар силсиласи занжирига мансуб зотлар ҳисобланадилар. Дунёвий изланишлар билан овора бўлиб ўтирмасдан, илоҳиётчи зотлар шогирдлар силсиласи орқали илм ўрганиб модда ва аксилмодда табиатини мукамал англаб етадилар ва шу тарзда бу йўлда ўзларини кераксиз ташвишлардан халос этадилар.

Лекин, ўжар дунёвий одамлар аксилмоддий оламларнинг, Худо Шахсининг мавжудлигига ишонмайдилар, шу боис, улар орасида бошқа барча жиҳатларда жуда етук, иқтидорли зотлар бўлиши мумкинлигига қарамай, улар ҳақиқатан ҳам бахтиқаро инсонлардир. Улар моддий оламнинг, моддий тирикчиликнинг таъсири остида адашиб юрган ва илоҳий олам ҳақида ҳеч нарса билмайдиган одамлардир. Шу боис дунёвий олимлар ўз изланишларида аста-секин параллел оламларга яқинлашишининг ўзи – шарофатли аломат, жуда қувончли янгилик. Балки улар бу изланишларида шунчалик юксалишга эришиб, вақти келиб параллел аксилмоддий олам ҳақида, Ўзига муҳаббат билан хизмат қилиб юрган тирик мавжудотлар даврасида ҳукмронлик қилиб юрган Худо Шахси ҳақида батафсил билимга эга бўларлар. Худога хизмат қилиб юрган тирик мавжудотлар сифат жиҳатидан Парвардигор билан бир хил бўладилар, лекин айна пайтда, Унга бўйсунган зотлардир, чунки улар Худонинг содик хизматкорларидир. Аксилмоддий оламда ҳукмдор билан хизматкор бир биридан фарқ қилмайди – у оламдаги ўзаро муносабатлар мукамал ва дунёвий муносабатларга бутунлай ўхшамайди.

Ўзининг табиатига кўра моддий олам яқсон бўлишга маҳкум. "Бхагавад-гита"га асосан, физик олимларнинг "моддий ва аксилмоддий одамлар бир бири билан тўқнашганида улар яқсон бўладилар" деган

тахминларида қисман ҳақиқат бор. Моддий оламни ҳамшиша ўзгариб турадиган моддий табиат *гуна*(сифат)лари яратган. Бу сифат(*гуна*)лар *самтва*(эзгулик), *радждас*(эхтирос) ва *тамас*(ғафлат) деб аталади. Моддий оламни *раджда-гуна* яратади, *самтва-гуна* унинг мавжудлигини таъминлаб туради ва уни *тама-гуна* яқсон қилади. Моддий табиатнинг ана шу гуналари моддий оламнинг ҳамма жойида мавжуд, шунинг учун моддий оламда ҳар бир соат, ҳар бир минут ва секундда яралиш, мавжудлик ва яқсон бўлиш(емирилиш) жараёнлари тўхтамасдан ҳаракат қилиб туради. Моддий оламнинг олий сайёраси Браҳмалокада *самтва-гуна* таъсири устивор бўлгани туфайли ҳаёт 4.300.000 x 1.000 x 2 x 30 x 12 x 100 куёш йилига тенг бўлишига қарамай, бу сайёра ҳам табиатнинг ана шу гуналари таъсири остида бўлади. Ҳаёт шунчалик узоқ давом этишига қарамай, *Браҳмалока* ҳам вақти келиб яқсон бўлади. Гарчи ер юзидаги ҳаётга нисбатан браҳмалокадаги ҳаёт чексиз узоқ давом этадигандай бўлиб кўринса ҳам, бу вақт параллел оламлардаги мангу ҳаётга нисбатан шунчаки бир қисқа лаҳза, холос. Шу боис "Бхагавад-гита"ни нозил қилган Парвардигор Кришна Ўзининг даргоҳи бўлган ана шу аксилмоддий, илоҳий оламнинг устиворлиги, улуғворлиги ҳақида гапирди.

Парвардигор Шри Кришна айтадики, 4.300.00 x 1.000 x 2 x 30 x 12 x 100 куёш йили ўтгандан кейин(қиёмат қойим бўлганда) моддий коинотнинг барча сайёралари яқсон бўладилар ва айна пайтда унда яшайдиган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси ҳалок бўлади. Асл табиатига кўра тирик мавжудот – аксилмоддий(руҳий) зарра, лекин агар у аксилмоддий(руҳий) фаолият билан шуғулланмаса ва аксилмоддий(параллел) оламлар соҳасига кўтарилмаса, моддий оламлар яқсон бўлганида у ҳам моддий жиҳатдан яқсон бўлади. Моддий коинот қайтадан яратилганида у ана бу дунёда моддий тана ичида туғилишга мажбур бўлади. Бошқача қилиб айтганда, у туғилиш ва ўлишлар чархпалагида сарсон бўлиб мусибат чекишда давом этаверади. Фақат моддий мавжудликнинг намоён бўлган босқичида Худо Шахсига муҳаббат билан хизмат қилиб юрган тирик мавжудотларгина ўзларининг ҳозирги моддий танасини тарк этгандан кейин албатта аксилмоддий оламга ўтиб оладилар. Фақат аксилмоддий(руҳий) фаолият йўлига кириб Худонинг даргоҳига қайтиб берган зотларгина илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга эришадилар.

Рухий фаолият дегани нима? Бу – ўзига хос дори. Агар кимдир касалга чалинса, у врачнинг олдига боради, врач унга ҳар хил дориларни тавсия қилади, шу дориларни қабул қилиб юрса, бемор вақт ўтиши билан соғайиб кетади. **Дунёвий одамлар ҳам бемор одамлардир**, шу боис у албатта врачга, яъни, илоҳиётчи кишига мурожаат қилиши лозим. У қандай иллатга чалинган? **У такрор ва такрор туғилиш, ўлиш, кексайиш ва касалланиш иллатига чалинган.** Лекин, "Худонинг даргоҳига қайтиш" усули бўйича даволаш курсидан ўтишга рози бўлса, у туғилиш ва ўлиш нималигини билмайдиган, илм ва лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳукм сурадиган мангу аксилмоддий оламга ўтиш имкониятига эга бўлади.

Моддий олам яқсон бўлиши(қиёмат қойим)нинг икки тури бор. Оламнинг қисман яқсон бўлиши ҳар 4.300.000 x 1.000 йилда, яъни, моддий оламдаги энг олий сайёра Браҳмалоканинг ҳар бир куни тугаганида рўй бериб туради. Олам қисман яқсон бўлганда Браҳмалока сингари олий сайёралар мавжуд бўлиб қолаверадилар, лекин 4.300.00 x 1.000 x 2 x 30 x 12 x

100 куёш йилига тенг бўлган ҳар бир давр охирида бутун моддий олам аксилмоддий тана ичига ғарк бўлади. Моддий осмондан жуда олисда жойлашган аксилмоддий олам эса, ҳеч қачон яқсон бўлмайди. У моддий оламни ўз ичига тортиб олади. Дунёвий олимларнинг аксилмоддий ва моддий оламлар ўзаро тўқнашадилар, шунда моддий олам яқсон бўлади деган тахминлари аслида тўғри, лекин, аксилмоддий олам ҳеч қачон яқсон бўлмайди. Дунёвий олимлар мангу мавжуд бўлган параллел аксилмоддий олам ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Улар аксилмоддий олам ҳақида фақат у оламнинг мавжудлик қонунлари моддий олам гуналарига нисбатан қарама-қарши сифатларга эга эканини биладилар, холос. Аксилмоддий оламлар ҳақидаги маълумотларни фақат ўзгармас манбалардан – аксилмоддий оламнинг табиатини тўлиқ англаб етган, руҳий озодликка эришган руҳий устозлардан билиб олиш мумкин. Худо Шахсининг камтарин шогирди ана шундай маълумотларни руҳий устозидан эшитади.

Ведалар илми шундай йўл билан моддий оламда биринчи яратилган тирик мавжудот Браҳманинг қалбига жойлаб қўйилган эди. Браҳма бу илмни донишманд Нарада Мунига ўргатди. Куёш фариштаси ҳам "Бхагавад-гита" илмини Худо Шахси Шри Кришнадан шу тарзда ўрганган. Бу илмни шогирдлар силсиласи занжири орқали оғиздан оғизга узатиш жараёни бузилганида Парвардигор Шри Кришна Курукшетра жанг майдонида "Бхагавад-гита" илмини Аржунга такроран айтиб берган. Ўша пайтда Шри Кришнадан бу илоҳий илмни ўрганиш учун Аржун Унинг шогирди ролини ўйнаган. Ғофил дунёвий одамларда пайдо бўлиши мумкин бўлган шубҳаю-гумонларнинг олдини олиш учун Аржун Кришнага зарур бўлган турли саволлар билан мурожаат қилган, Кришна эса, унинг шу саволларига ҳар қандай дунёвий одам учун тушунарли равишда жавоб берган. Фақат бу ўткинчи моддий оламнинг алдамчи жилваларига маҳлиё бўлиб қолган ғофил одамларгина Шри Кришнани ягона Парвардигор сифатида тан олмайдилар. **Аксилмоддий оламни тўлиқ англаб етиш учун инсон ўзининг ҳаётини ва қалбини бутунлай поклаши лозим.** *Бхакти-йога* – илмий равишда аниқ таърифланган, ҳаммага – руҳий фаолиятга энди киришган одамларга ҳам, йога билан шуғулланишда анча юксалишга эришган зотларга ҳам бирдай тавсия қилинадиган илоҳий фаолиятдир.

Моддий олам – шунчаки соя, аксилмоддий оламнинг акс тасвири, холос. Қалби ва хулқ-атвори пок инсонлар аксилмоддий олам ҳақида "Бхагавад-гита"дан қисқача маълумот олишлари мумкин; аслида, "Бхагавад-гита"да берилган бу маълумотлар ҳатто моддий олам ҳақида биладиган маълумотларимиздан ҳам тўлиқ ва мукамалроқдир. "Бхагавад-гита"да аксилмоддий олам ҳақида берилган қисқача маълумот куйидагича.

### **Параллел руҳий оламнинг таърифи**

Аксилмоддий(руҳий) оламни бошқариб турган Илоҳ – Шри Кришна. У Ўзининг азалий, шахсий киёфасида, шунингдек, Ўзининг кўплаб тўлиқ экспансиялари кўринишида мавжуд. Худо Шахсини ва Унинг тўлиқ экспансияларини фақат бхакти-йога(Худога садоқат билан хизмат қилиш) деб аталадиган аксилмоддий фаолият жараёнида англаб етиш мумкин. Худо Шахси – Олий Ҳақиқат, У Ўзида аксилмоддий борликни мужассам қилган. Моддий оламни ҳам, руҳий

оламни ҳам Унинг шахси намоён этади. У – бутун борлик дарахтининг илдицидир. Дарахтнинг илдицини суғориш билан биз унинг шоха ва баргларини ҳам озиклантирган бўламиз. Худди шундай, Худо Шахси Шри Кришнага сиғиниш ҳам моддий оламнинг барча нарсаларини ёритади ҳамда содиқ хизматкорни моддий фаолият билан шуғулланиш заруратидан халос этиб, унинг қалбини озиклантиради. "Бхагавад-гита"нинг сири мана шунда.

Аксилмоддий оламга эришишда бизга моддий воситалар ёрдам беролмайди. Моддий оламда яшар экан, агар аксилмоддий, руҳий фаолият билан шуғуллана бошласа, ҳар бир тирик мавжудот осонлик билан аксилмоддий оламга эриша олади. Тажриба ўтказиш орқали илм ўрганиш, фалсафий изланиш ҳамда дунёвий илм-фан тараққиётининг чекланган имкониятларига ишониб юрган ашаддий дунёвий одамлар бу йўлда жуда катта тўсиқларга дуч келадилар. Ғофил дунёвий одамлар коинотга ҳаво кемалари, ер йўлдошлари, ракета ва бошқа техникалар учуриш орқали аксилмоддий оламга эришишга интиладилар. Лекин, бундай воситалар ёрдамида улар ҳатто моддий оламдаги, моддий осмоннинг юқорироқ қисмида жойлашган сайёраларга ҳам эриша олмайдилар, аксилмоддий сайёралар эса, моддий оламдан ташқарида жойлашган. Ҳатто барча сеҳр қудратларини мукамал эгаллаб олган йоғлар учун ҳам ана шу руҳий оламга эришиш жуда мушкул. Моддий оламдаги аксилмоддий заррани сеҳр қудрати билан бошқара оладиган буюк йоғлар шарофатли вақт келганда ўз истаги билан моддий танасини тарк этишлари ҳамда моддий ва руҳий оламни бир бири билан бирлаштириб турган махсус туннел орқали аксилмоддий оламга ўтиб олишлари мумкин. Ана шунга қодир бўлган киши "Бхагавад-гита"да кўрсатилган усулга амал қилиб яшайди:

**Илоҳий илмни англаб етган зотлар Куёш осмоннинг шимолий қисмида юрадиган *уттарайана* даврида, яъни, атмосферани олов ва ёруғлик фаришталари бошқариб турган шарофатли пайтда ҳозирги танасини тарк этиб, аксилмоддий оламга эриша оладилар.**

Бу космик оламни бошқариш маъсулияти маълум бир Илоҳларга, яъни, қудратли ҳукмрон фаришталар зиммасига юклатилган. Коинот фаолиятини бошқариш механизмини тушуниб етишга қодир бўлмаган калтафаҳм одамлар оловни, ҳавони, электр қувватини, кунни, тунни ва бошқа воқеа-ҳодисаларни фаришталар шахсан бошқариб туриши ҳақидаги тасаввурни масҳара қилиб куладилар. Лекин, комил йоғлар моддий олам ишларини бошқариб турган ана шу кўринмас ҳукмдорларнинг кўнглини қандай қилиб овлашни яхши биладилар, шу боис уларнинг ёрдами билан ўзлари истаган, яъни, аксилмоддий оламга ёки моддий оламнинг олий сайёраларига осон эришиш имконини берадиган шарофатли пайтда моддий танасини тарк этадилар. Олий сайёраларда яшаш шароити анча яхши, шу боис йоғлар ана шу сайёраларда юз минг йиллар давомида лаззатланиб яшашлари мумкин, лекин улар моддий оламнинг бирор сайёрасида мангу яшаб қолаолмайдилар. Мангу ҳаётга интилиб юрган зотлар эса, сеҳр қудрати ёрдамида моддий оламни бошқариб турган фаришталар яратиб берадиган қулай шароитда аксилмоддий коинотга эришадилар. Бу фаришталар еттинчи тоифа сайёралар тизимида мансуб бўлган ва "Ер" деб аталадиган арзимас кичик сайёрада яшайдиган ғофил дунёвий одамларнинг кўзига кўринмайдилар.

**Йога билан шуғулланмайдиган, лекин ўзлари қилган савоб ишлари: қурбонлик маросими ўтказиш, риёзат чекиш, хайр-эхсон тарқатиш ва шу каби эзгу ишлари шарофати билан қулай пайтда танасини тарк этган кишилар моддий оламнинг олий сайёраларига кўтариладилар, лекин улар яна Ер сайёрасига қайтиб келадилар. Улар танасини ойнинг *дохума* деб аталадиган, ой кичрайиб борадиган қоронғу ярмида, қуёш осмоннинг жанубий қисмида юрган пайтида тарк этадилар.**

Қисқача қилиб айтганда, "Бхагавад-гита" аксилмоддий оламга эришишга интилиб юрган одамларга аксилмоддий фаолият билан шуғулланишни - Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлини тавсия қилади. Худога садоқат билан хизмат қилиш ва тажрибали илоҳиёт кишиларининг кўрсатмаларини бажариш ёрдамида аксилмоддий оламга эришишга интилиб юрган кишилар бу йўлда ҳамиша муваффақиятга эришадилар. Парвардигорнинг илоҳий содиқлари кўрсатган йўлдан адашмай борар экан, Кришнанинг содиқлари бу йўлда учрайдиган барча тўсиқларни ҳеч қийналмасдан енгиб ўтадилар. Парвардигорнинг аксилмоддий оламига олиб борадиган йўлдан бораётган Худонинг содиқлари ҳеч қачон бу йўлдан адашмайдилар. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли инсоннинг аксилмоддий оламга эришишига кафолол беради, бу йўлга кирган киши ҳеч қачон афсусланмайди ва у алданиб қолмайди. Санскрит тилида *бхакти-йога* деб аталадиган «Худога садоқат билан хизмат қилиш» йўлига кирган киши Ведаларни ўрганиш, ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказиш, бошқаларга хайр-эхсон тарқатиш ва риёзат чекиш орқали эришиладиган натижаларга ҳам ўзидан ўзи осонлик билан эришади.

Шундай қилиб, *бхакти-йога* – ҳаммабоп ва умумий усул. *Бхакти-йога* билан шуғулланиш қийин эмас, айниқса ҳозир биз яшаётган Кали-юга даврида бу жуда осон. Ўн бешинчи асрда (1486-1534йй), Ўзининг энг меҳрибон ва саховатли кўриниши бўлган Шри Чайтанйа Махапрабҳу қиёфасида ташриф буюриб, ҳозирги даврда бхакти-йога билан шуғулланиш усулини Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи жуда осонлаштириб кетган. Парвардигор ўшанда Бенгалияда дунёга келган ва *санкиртана* – Худонинг муқаддас номларини биргаликда шарафлаб куйлаб рақсга тушиш ҳаракатини бутун Ҳиндистон бўйлаб кенг тарқатиб кетган. Парвардигор Чайтанйанинг марҳамати билан ҳар бир инсон *бхакти-йога* қонун-қоидаларини ўзлаштириб олиши мумкин. Шунда унинг қалби барча шубҳаю-гумонлардан покланади, ундаги моддий мусибатлар олови пасаяди ва қалби чексиз илоҳий лаззатга тўла бошлайди.

"Брахма-самхита"нинг бешинчи бобида моддий оламнинг хилма-хил сайёралари таърифланган. "Бхагавад-гита"да ҳам айтилганки, юз минглаб моддий коинотларда ҳар хил турдаги сайёралар тизими мавжуд, ана шу коинотларнинг ҳаммаси биргаликда Парвардигорнинг яратиш қувватининг арзимас бир қисмини ташкил этади. Парвардигорнинг яратиш қувватининг асосий қисми *паравайома*, яъни, *Вайкунтхалока* деб аталадилан руҳий оламда намоён бўлган. Моддий оламни ўрганиш билан дунёвий олимлар охир-оқибатда "Брахма-самхита" ва "Бхагавад-гита"да келтирилган маълумотларни тасдиқлашлари мумкин.

Ана шу маълумотларга қўшимча қилиб 1960 йил 21 февралда "Москва янгиликлари" газетасида ёзилган мақолани келтириш мумкин:

*Маишхур рус профессори, астроном Борис Воронцов-Вельяминовнинг фикрига кўра, коинотда ақлли зотлар яшайдиган кўлаб сайёралар бўлиши керак.*

Рус астрономининг бу фикри "Брахма-самхита"да тасдиқланади. Ундаги *йасйя прабха прабхавито джаганданда-коти...* шеърда айтилганки, моддий оламда сон-саноксиз сайёралар эмас, балки ҳар бири сон-саноксиз сайёраларга тўла бўлган сон-саноксиз коинотлар мавжуд. Ана шу сон-саноксиз сайёралардан таркиб топган сон-саноксиз коинотлар Браҳманнинг нуридан пайдо бўладилар ва ана шу нур ичида сузиб юрадилар. Ана шу нур, ёғду Парвардигор Маха-Вишнунинг илоҳий танасидан таралиб туради. Бизнинг коинотни бошқариб турган илоҳ маъбуд Браҳма Парвардигорнинг ана шу Маха-Вишну қиёфасига сажда қилади.

Рус астрономи яна шуни тасдиқлайдики, коинотдаги юз миллиондан кам бўлмаган барча сайёраларда ҳаёт мавжуд. "Брахма-самхита"да айтилганки, сон-саноксиз коинотларнинг ҳар бирида сон-саноксиз турли-туман сайёралар бор.

Бу астрономнинг фикрини профессор-биолог Владимир Алпатов ҳам тасдиқлаб айтадики, юқорида тилга олинган сайёралардан баъзи бирлари юксалишининг Ер сайёраси билан бир хил поғонасида турадилар. Москва газетасидаги мақолада яна шундай гаплар ёзилган:

*Балки ана шу сайёраларда худди Ер сайёрасидагидай ҳаёт гуллаб-яшнаётгандир. Сайёраларнинг атмосфераси ҳақида гапирар экан, кимё фанлари доктори Николай Жиров таъкидлайдики, Марс сайёрасида яшайдиган тирик зотнинг танаси ҳам ҳарорати паст Марс шароитига мослашган ҳолда нормал ишлаб турганини тасаввур қилиши мумкин. Николай Жировнинг фикрига кўра, Марснинг газсимон атмосфераси шундай шароитда яшашига мослашган тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб туриши учун тўла яроқли.*

Тирик мавжудотларнинг ҳар хил сайёралардаги ҳаёт шароитига мослашиш қобилияти *вибхути-бхиннам* деб аталади. Бу шуни билдирадики, ҳар бир коинотда, сон-саноксиз сайёраларнинг ҳар бирида ўзига хос атмосфера мавжуд, унда яшайдиган тирик мавжудотларнинг онгининг ривожланганлиги, уларнинг илм ўрганиш қобилияти ана шу сайёранинг атмосферасига, сайёранинг қайси тоифага – олий сайёралар тизимидами ёки ўрта, ёки қуйи сайёралар тизимидами мансублигига боғлиқ бўлади. *Вибхути* ибораси "алоҳида куч", *бхиннам* ибораси эса, – "хилма-хил" деган маъноларни англатади. Коинотни ўрганишга ҳамда механик қурилмалар ёрдамида бошқа сайёраларга боришга интилиб юрган олимлар шуни тушуниб олишлари лозимки, Ер атмосферасига мослашиб қолган организмлар бошқа сайёраларнинг атмосферасида яшай олмайдилар. Ҳар бир сайёранинг ўзига хос атмосфераси бўлгани сабабли одамларнинг Ойга, Қуёш ёки Марсга боришга бўлган барча интилишлари мутлақо бемаъни ишдир. Лекин шунга қарамай, ҳар қандай инсон ўз истаги билан ана шу сайёралардан истаган бирига эриша олади, лекин бунинг учун аввало у ўзининг ақлини психологик жиҳатдан ўзгартириши лозим. Ақл – моддий тананинг маркази, ядроси ҳисобланади. Моддий тананинг эволюцион ўзгариши ақлнинг психологик ўзгариш даражасига чамбарчас боғлиқ бўлади. Қуртнинг

капалакка айланиши, шунингдек, ҳозирги даврда замонавий тиббиёт илми ҳам тан олган эркак танасининг аёл танасига(ва аксинча) ўзгариши маълум даражада ақлининг психик ўзгаришига боғлиқ бўлади.

"Бхагавад-гита"да айтилганки, танасини тарк этаётган киши агар ажали етган пайтда ақлини Худо Шахсида, яъни, Парвардигор Шри Кришнада жамласа, шу заҳотиёқ аксилмоддий оламнинг илоҳий салтанатига киради. Демак, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг қонун-қоидаларига амал қилиб ўз ақлини моддий нарсаларга чалғитмасдан Парвардигорнинг илоҳий қиёфасида мужассам қилишга ўрганган ҳар қандай киши осонлик билан Парвардигорнинг аксилмоддий оламда жойлашган илоҳий салтанатига эриша олади.

Худди шундай, моддий оламдаги қайсидир сайёрага боришга интилиб юрган киши ҳам, ҳозирги танасини тарк этган заҳоти ўз орзусига эриша олади. Демак, Ойга, Кўёшга ёки Марс сайёрасига эришиш учун маълум бир қоидаларга амал қилиб яшаш лозим. "Бхагавад-гита" ҳам ана шу тартибни тасдиқлайди:

**Инсон ажали етганда ҳаётнинг қандай шакли ҳақида ўйласа, танасини тарк этгандан кейин ҳаётнинг шундай шаклига эришади.**

Гарчи умрини қаттиқ риёзатларга берилиб ўтказган бўлса ҳам, Махараж Бхарата ажали етган пайтда кийик боласи ҳақида ўйлагани сабабли кейинги ҳаётида кийик танасида туғилди. Лекин шунга қарамай, у аввалги ҳаётидаги пок илоҳий онгини сақлаб қолган ва ўз хатосини тушуниб етган эди. Инсоннинг бутун умри давомида қилиб юрган ишлари унинг ажали етганда нималар ҳақида ўйлашига жуда катта таъсир қилишини англаб етиш жуда муҳим.

"Шримад Бхагаватам"(3.32.3)да Ойга эришиш имконини берадиган усул таърифланган.

**Ҳиссий лаззатланишга интилиб, фаришталарга ва аждодларига сиғиниб юрган кишилар Ой сайёрасига эришадилар, шу ерда улар сомадан тайёрланган ичимликдан ичадилар. Кейин улар яна мана шу сайёрага қайтиб келадилар. Худонинг Олий Шахси Хари Ўзининг ўриндигига, яъни, Ананта-Шеша устига чиққанида, дунёвий одамлар яшайдиган сайёраларнинг ҳаммаси, шу жумладан, таркибига Ой сайёраси кирадиган жаннатий сайёлар ҳам яксон бўладилар.**

Парвардигорнинг салтанати ҳақида ҳеч нарса билмасдан дунёвий одамлар моддий нарсаларга: мол-дунё, шон-шухрат, такводорлик сингари нарсаларга боғланиб қолганлар. Шундай одамлар фақат ўзларининг нафсини, шахсий манфаатини кўзлаб оиласи, миллати ҳақида қайғурадилар. Ундай одамлар ўз мақсадларига моддий фаолият ёрдамида эришадилар. Улар ўз бурчларини бажариб урф-одатларга кўр-кўрона роия қиладилар, шу боис улар муқаддас китобларда кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказиш билан *ниталарни* – ўтган аждодларини ҳамда оламини бошқариб турган фаришталарни мамнун қила оладилар. Шу қурбонлик маросимларига ва диний урф-одатларга боғланиб қолган зотлар кейинги ҳаётида Ой сайёрасига борадилар ва шу ерда самовий ичимлик – *сома* шарбати ичиб лаззатланиш имкониятига эга бўладилар. Ой сайёрасига қудратли фаришта Чандра ҳукмронлик қилади. У жойнинг атмосфераси ва яшаш шароити Ер сайёрасиникига нисбатан анча юқори. Агар Ой

сайёрасига эришган тирик мавжудот ундан ҳам яхшироқ сайёларга эришиш имкониятидан фойдаланмаса, у тубанликка юз тутати ва яна Ерга ёки шунга ўхшаган сайёлардан бирига қулайди. Лекин, дунёвий одамлар ҳатто моддий оламдаги энг олий сайёлар тизимига эришсалар ҳам, моддий олам яксон бўлган пайтда улар ҳам албатта яксон бўладилар.

Рухий олам (*паравйома*)нинг сайёлари тизими эса, сон-саноксиз Вайкунтха сайёларидан таркиб топган. Вайкунтхалар – Парвардигорнинг намоён бўлган ички қуввати бўлиб, уларнинг умумий сони ташқи қувват яратган моддий оламдаги сайёлардан уч марта кўпроқ. Лекин бахтиқаро дунёвий одамлар Парвардигор яратиб қўйган бутун бир борлик ичидаги бир заррача ҳисобланган кичкина Ер сайёрасида ҳар хил ўткинчи жанжалларга бутунлай ғарқ бўлиб юрибдилар. Ер сайёраси эмас, ҳатто сон-саноксиз сайёлардан иборат юзлаб галактикаларни ичига олган бутун бир коинотни моддий олам таркибида, худди бир қоп буғдой ичидаги битта буғдой дониға ўхшатиш мумкин. Лекин, дунёвий одамлар мана шу ерда ўзларига турли қулайликлар яратиб, мустаҳкам жойлашиб олишга ҳаракат қиладилар ва шу ниятда нодир инсон умрини барбод бўлиши аввалдан маълум бўлган ишларга сарфлаб яшайдилар. Шунча вақтини ишлаб кўпроқ пул топишга сарфлаб юргандан кўра, улар **оддий шароитларда яшаб, улғувор рухий мавзулар ҳақидаги фикр мулоҳазаларга кўпроқ берилиб яшасалар**, бу чексиз моддий ташвишлардан халос бўлардилар.

Нодир моддий лаззатлардан чуқурроқ лаззатланишга интилиб юрган дунёвий одам бу ердагига қараганда анча устун турадиган моддий лаззатлар мавжуд бўлган сайёларга эришиши мумкин. Лекин, ҳозирги танамизни тарк этгандан кейин рухий оламга қайтиб кетишга тайёрланган маъқулроқ. Лекин, дунёвий лаззатларга интилиб юрган кишилар йога усули ёрдамида моддий оламнинг бошқа сайёларига эриша оладилар. Олимларнинг яратган ўйинчоқ космик кемалари бу мақсадларга эришишга ёрдам беришдан кўра, ёш болаларнинг эрмакларига кўпроқ мос келади.

Аштанга-йога тизими ҳам моддий усул ҳисобланади, чунки бунда моддий тана ичидаги ҳаво оқимларини бошқариш йўллари ўрганилади. Рухий зарра(жон) моддий тана ичидаги ҳаво оқимларида сузиб юради, нафас олиш ва чиқариш эса, жонни олиб юрадиган ана шу ҳаво оқимларининг тебранишларидир. Шу боис йога тизими – жонни олиб юрадиган ана шу ҳаво оқимини қориндан киндикка, киндикдан – кўкракка, кейин бўйинга, кейин кўзларга, кейин миёга ва ниҳоят ўзи истаган ҳар қандай сайёрага олиб ўтиш санъатидир. Дунёвий олимлар товуш ва ёруғлик тезлигини ҳисоблайдилар, лекин улар ақл ва тафаккур қанчалик тез ҳаракат қилишини тасаввур ҳам қила олмайдилар. Фикр(ақл)нинг тезлиги ҳақида биз озгина бўлса ҳам тасаввурга эгамиз, чунки аклимизни бир зумда юз минглаб қақирим узоқда жойлашган нарсаларга кўчира оламиз. Тафаккур эса, ақлдан ҳам нафисроқ. Рух эса, тафаккурдан ҳам нафисроқ. Ақл ва тафаккурдан фарқи равишда рух моддий эмас, у – рух, яъни аксилмоддий зарра. Рух тафаккурга нисбатан юз минглаб марта нафисроқ ва қудратлироқ. Шундай экан, рухнинг қандай тезлик билан бир сайёрадан иккинчи сайёрага саёҳат қила олишини тасаввур қилиш мумкин. Албатта, у бундай саёҳатларни қандайдир механик қурилмалар, космик кемалар ёрдамида эмас, ўзининг илоҳий қудрати билан амалга оширади.



Одамлар худди ҳайвонларга ўхшаб фақат еб-ичиш, ухлаш, бола-чақа қилиш ва ҳаётини муҳофаза қилиш билан машғул бўлган ҳозирги жамият одамларни ҳақиқат йўлидан бутунлай адаштириб қўйган, шу боис инсон ўз жонининг илоҳий қудрати нималарга қодир эканидан умуман беҳабар. Аввал айтганимиздек, рух, жон – ҳатто Қуёшдан, ойдан ва электр қувватидан минглаб марта порлоқ ва қудратли бўлган рухий заррадир. **Токи инсон ўзининг ана шундай қудратли рух эканини тушуниб етмас экан, унинг ҳаёти ҳеч қандай маънога эга бўлмайди.** Парвардигор Чайтанйя ҳамда Унинг ҳамроҳи Нитйананда бу дунёга одамларни таназулга юз тутган ҳозирги жамиятнинг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилиш учун ташриф буюрганлар.

"Шримад Бхагаватам"да ҳам қандай қилиб йог коинотнинг турли сайёраларига саёҳат қилиши мумкинлиги таърифланган. Ҳаёт кучи мияга кўтарилганида унинг кўздан, бурундан, кулоқдан ёки оғиздан чиқиб кетиш эҳтимоли бор, чунки бу тешиқларнинг ҳаммаси ҳаёт кучининг еттинчи орбитасида жойлашган. Лекин, йог нафас олишни бутунлай тўхтатиб, ана шу каналларни бекитиб қўя олади. Кейин у ҳаёт нафасини ўрта ҳолатда – қошлари ўртасида ушлаб туради, фақат ана шундай ҳолатда у танасини тарк этгандан кейин қайси сайёрага бориши ҳақида фикр юрита олади. Ана шундай ҳолатда у бир қарорга келиб олиши мумкин: илоҳий Вайкунтха оламида жойлашган, боргандан кейин моддий оламга қайтиб келишга ҳожат қолмайдиган Парвардигор Шри Кришнанинг салтанатига борадими ёки моддий оламдаги олий сайёраларга саёҳат қиладими. Комил йог ўз хоҳиши билан бу икки йўлдан бирини танлай олади.

Танасини онгли равишда тарк этиш имконини берадиган усулни ўрганиб олган комил йог, худди одамлар магазинга бориб келгани сингари, осонлик билан коинотнинг бир сайёрасидан иккинчи сайёрасига саёҳат қила олади. **Моддий тана – рухий зарранинг шунчаки бир қобиги,** кийими эканини биз айтиб ўтган эдик. Ақл билан тафаккур – жоннинг ички кийими бўлса, ер, сув, олов ва бошқа унсурлардан таркиб топган қўпол тана, – унинг устки кийимидир. Шу боис, йога билан шуғулланиш ёрдамида ўзининг рух эканини англаб етган ва модда билан рух бир бирига қандай боғланганини биладиган улўғвор зот ҳеч қийналмасдан, ўз хоҳиши билан онгли равишда рухнинг қўпол кийимларини ечиб ташлашга қодир бўлади. Парвардигор чексиз марҳамат кўрсатиб бизларга тўла эркинлик бериб қўйибди. Парвардигор шунчалик меҳрибонки, бизларга истаган жойимизда – моддий ва рухий оламнинг ўзимиз истаган сайёрасида яшаш имкониятини бериб қўйибди. Лекин ана шу эркинликдан нотўғри фойдаланиб юрган зотлар моддий оламга тушадилар ва шу ерда шартланган ҳаётнинг уч турли азоб-уқубатларига дучор бўлиб яшайдилар. Мильтоннинг "Йўқолган жаннат" асарида рухнинг бу моддий оламда ўз хоҳиши билан қанчалик ачинарли ҳаёт кечириб юриши батафсил тасвирланган. Худди шундай рух ўз хоҳиши билан бир вақтлар йўқотган жаннатини топиб олиши, ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб бориши мумкин.

Инсон ажали етган пайтда ҳаёт кучини қошлари ўртасида жамлаб танасини тарк этгандан кейин қаерга йўл олиш ҳақида бир қарорга келиши мумкин. Агар унинг энди бу моддий олам билан ҳеч қандай алоқа қилиш нияти қолмаган бўлса, у бир лаҳзада илоҳий Ваикунтха сайёраларидан бирига эришиб, ўша жойда рухий шароитга мос келадиган ўзининг азалий рухий танасида пайдо бўла олади. Бунинг учун у фақат

моддий оламнинг нафис ва қўпол таналаридан биратўла халос бўлишни исташи ва ҳаёт кучини калласининг юқори қисмига кўтариб, танасини калла суягининг устки қисмидаги *браҳма-рандхра* деб аталадиган тешиқ орқали тарк этиши лозим. Йога билан шуғулланишда эришиш лозим бўлган баркамолликнинг энг олий поғонаси шундан иборат.

Албатта, инсонга танлаш эркинлиги берилган, шу боис, агар у моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишга интилмаса, маъбуд Браҳма лавозимини эгаллаб, *браҳма-пада* ҳаётидан лаззатланиб, Сиддхалока сайёрасига эришиши – моддий баркамолликнинг энг юксак турларига – гравитация кучини, макон ва замонни бошқара олиш ва бошқа қудратларга эга бўлган зотлар яшайдиган сайёрада яшаш мумкин. Моддий оламнинг ана шу олий сайёраларига эришиш учун инсон ўзининг нафис танасини, яъни, ақли ва тафаккурини тарк этиши шарт эмас, бунинг учун у фақат қўпол танасини тарк этса, бас.

Инсон яратган Ер йўлдошлари ва фазода ҳаракатланиш учун яратилган бошқа механик курилмалар ҳеч қачон одамларни бошқа сайёраларга олиб боришга қодир бўлолмайди. Одамлар ҳатто, шунча сохта шов-шувларга сабаб бўлган Ой сайёрасига ҳам етиб бора олмайдилар, чунки аввал айтганимиздек, ана шу олий сайёраларнинг атмосфераси Ер сайёрасиникидан бутунлай фарқ қилади. Ҳар бир сайёранинг фақат ўзига хос бўлган алоҳида атмосфера бўлади, моддий оламнинг қайсидир сайёрасига боришни истаган киши ана шу сайёра атмосферасининг иқлим шароитларида яшашга мослашган танага эга бўлиши лозим. Масалан, иқлим шароити Ҳиндистонниқидан бутунлай бошқача бўлган Европага саёҳат қилишни истаган киши албатта кийимларини Европа иқлимига мос равишда ўзгартиришга мажбур бўлади. Худди шундай, илоҳий Ваикунтха сайёраларига бориш учун ҳам рух ўзининг танасини бутунлай ўзгартириши лозим.

Моддий оламнинг олий сайёраларига эришишга интилаётган киши ўзининг нафис танасини – ақлини, тафаккурини ва сохта ўзлигини сақлаб қолса ҳам бўлади, лекин ер, сув, олов ва бошқа унсурлардан таркиб топган қўпол танасини тарк этиши шарт. Илоҳий сайёраларга эришиш учун эса, нафис танани ҳам, қўпол танани ҳам алмаштириш лозим, чунки рухий оламга фақат рухий танада эришиш мумкин. Агар тирик мавжудот истаса, **ажали етган пайтда моддий тананинг рухий танага алмашиниш жараёни ўзидан-ўзи амалга ошади.** Фақат бутун умри давомида қалбида ана шундай истакни озиклантириб, ривожлантириб юрган кишигина ажали етганда рухий оламга эришишни самимий истай олади. Инсоннинг бойлиги, кадрияти қаерда бўлса, унинг қалби, кўнгли ҳам шу ерда бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиб юриш билан инсон ўз қалбида **Худонинг даргоҳига эришиш истагини** ривожлантиради. На туғилиш, на ўлиш, на касаллик, на кексайиш бўлмаган аксилмоддий Ваикунтха сайёраларига енгил саёҳат қилишнинг осон усули муқаддас китобларда батафсил таърифланган.

Ана шу йўлнинг ижобий талаблари қисқача қуйидагилардан иборат:

1. Мангу ҳаёт сари йўл олишга тайёргарлик илмий асосда ўтиши учун жиддий шогирд **ҳақиқий рухий устоз танлаши** лозим. Токи сезгиларимиз моддий табиатга эга экан, улар ёрдамида Илоҳий илмни англаб етишнинг иложи йўқ. Шунинг учун рухий устоз раҳбарлиги остида маълум қонун-қоидаларга риоя

қилиб шогирд ўз сезгиларини моддийлик иллатидан поклаши лозим.

2. Ҳақиқий руҳий устоз танлагандан кейин шогирд ундан **фотиҳа олиши** лозим. Унинг руҳий жиҳатдан тайёргарлиги айнан шундан бошланади.

3. Шогирд ҳамиша ва ҳамма нарсада ўзининг **руҳий устозини мамнун қилишга тайёр бўлиши** лозим. Ҳақиқий руҳий устоз руҳий илм ўрганиш усулини мукамал биладиган, муқаддас китоблар - "Бҳагавад-гита", "Веданта-сутра", Упанишадлар ва "Шримад Бҳагаватам"нинг мазмунини тўғри тушунган ва руҳий ўзлигини англаб етган, Парвардигор билан бевосита алоқа ўрната олган зотдир. У ўзининг самимий шогирдини Ваикунтҳа оламига олиб боришга қодир бўлган ишончли йўлбошчидир. Шогирд ҳамиша ва ҳар бир ишда руҳий устозини мамнун қилишга интилиб яшаши лозим, чунки шогирд руҳий юксалиш йўлида хайратли даражада тез муваффақиятга эриша олиши учун руҳий устознинг озгина марҳаматининг ўзи кифоя.

4. Қалбидаги барча шубҳаю-гумонлардан бутунлай халос бўлиши учун фаросатли шогирд руҳий устозига **жиддий саволлар бериши** лозим. Руҳий устоз унга йўл кўрсатади. Бунда у ўзи ўйлаб топган йўлни кўрсатмасдан, аввал бу йўлни охиригача босиб ўтган ишончли зотлар ўрнатиб кетган қоидаларга асосланади. Ана шундай ишончли зотларнинг номлари муқаддас китобларда кўрсатилган, шогирд руҳий устоз раҳбарлиги остида ана шу зотлар юрган йўлдан бориши лозим. Руҳий устоз ҳеч қачон ишончли зотлар кўрсатиб кетган йўлдан четга чиқмайди.

5. Шогирд ҳамиша бу йўлга амал қилиб яшаб, муваффақият қозонган буюк донишмандлар изидан боришга интилиб яшаши лозим. Бу унинг **бутун умри давомида амал қиладиган ягона шиори** бўлиши лозим. Буюк донишмандларга тақлид қилишга уринмаслик керак, замон ва макон шароитларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг изидан боришга самимий интилиш лозим.

6. Шогирд муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида ўзининг ҳатти-ҳаракатларини, **фелъ-атворини ўзгартиришга тайёр бўлиши** ва Аржунга ўхшаб, Парвардигорни мамнун қилиш йўлида ҳиссий лаззатлардан ҳам, таркидунёликдан ҳам воз кечишга тайёр бўлиши лозим.

7. Шогирд **руҳий муҳитда яшаши** лозим.

8. У танасининг ҳаётини сақлаб туриш учун етарли бўлган нарсалар билан **қаноатланиб яшаши**, оддий турмуш кечириш учун етарли бўлганидан ортиқча бойлик орттиришга интилмаслиги лозим.

9. Шогирд **риёзат чекиши**, масалан, ҳар ойнинг тўлишаётган ва камаётган ўн биринчи(*экадаши*) кунлари оч юриб рўза тутиши лозим.

10. Шогирд муқаддас *баньян*(анжир) дарахтига, сигирларга, билимдон браҳманларга ҳамда Худонинг содиқларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши лозим.

Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида қўйиладиган биринчи қадамлар шундан иборат. Вақт ўтиши билан шогирд муқаддас китобларнинг бошқа, таъқиқловчи қоидаларига ҳам риоя қилиб яшай бошлаши лозим.

11. Худога садоқат билан хизмат қилишда ва Худонинг муқаддас номларини зикр қилишда **ҳақорат содир қилмаслик** керак.

12. **Иймонсиз дунёвий одамлар билан** зарурат юзасидан керак бўлганидан **ортиқча муносабат қилмаслиги** лозим.

13. **Қўп шогирдлар қабул қилишга интилмаслик** лозим. Демак, биринчи ўн икки шартни муваффақият билан бажариб юрган шогирднинг ўзи ҳам бошқаларга

руҳий устоз бўла олади. Бу худди мактабда яхши ўқийдиган ўқувчи синфдаги бошқа ўқувчиларга сардор бўлишига ўхшайди.

14. Муқаддас китоблардан ҳар хил мисоллар келтириб, бошқаларга ўзини **билимдон қилиб кўрсатишга уринмаслик** керак. Бошқа китоблардан ортиқча маълумот олишга интилмасдан, руҳий фаолият учун зарур бўлган муқаддас китобларни чуқур ўрганиш лозим.

15. Мана шу ўн тўрт қоидага мунтазам равишда катъий риоя қилиб юриш натижасида шогирд ҳатто моддий йўқотиш ва эга бўлиш билан боғлиқ бўлган энг оғир синов пайтларида ҳам **хотиржамлик** билан **ақлнинг мувозанатини** сақлаб қола олади.

16. Навбатдаги поғонага кўтарилган шогирд **алданиш** ва **мусибатлар таъсиридан халос** бўлади.

17. У бирор **динга** ёки Худога сиғинишнинг бошқа турларига ҳурматсизлик қилмайди, Парвардигорни ва Унинг содиқ хизматкорларини ҳақорат қилмайди.

18. У бошқаларнинг **Парвардигорни ҳамда Унинг содиқларини ҳақорат қилишига чидаб туролмайди**.

19. У эрақ билан аёл орасидаги муносабатлар борасидаги суҳбатларда иштирок этмаслиги ҳамда бошқаларнинг оилавий ва шахсий ишларини муҳокама қилишга **аралашмаслиги** лозим.

20. У на хаёлида, на амалида бирор тирик мавжудотни безовта қилиб, ташвиш келтирмаслиги, **зарар етказмаслиги**, азоб бермаслиги лозим.

Мана шу йигирма қоида ичида **биринчи учтаси** жиддий содиқлар учун **мажбурий ва жуда муҳим** аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жиддий шогирд булардан бошқа яна қирқ тўрт қоидага риоя қилиб яшаши лозим, лекин, Парвардигор Чайтанья улардан муҳим аҳамиятга эга бўлган бештасини алоҳида ажратиб кўрсатган. Улар куйидагилар:

1. **Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиб юриши**. Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиш дегани, уларнинг Парвардигор ва руҳий ҳаёт ҳақидаги гапларини диққат билан тинглаш, уларга руҳий мавзуда жиддий саволлар бериш, уларни *прасад* билан меҳмон қилиш, **агар тақлиф қилсалар**, уларнинг қўлидан *прасад* қабул қилиш, уларга совғалар эҳсон қилиш ҳамда улар эҳсон қилган нарсаларни чин юракдан қабул қилишдан иборат.

2. Ҳар қандай шароит ва вазиятда **Худонинг муқаддас номларини такрорлаш ва шарафлаб куйлаб юриши**. Худонинг муқаддас номларини такрорлаш – Худони англаб етишнинг энг осон ва арзон йўлидир. Парвардигорнинг сон-саноксиз муқаддас номлари бор, улардан истаган бирини ҳар қандай вазиятда ҳам такрорлаб юриш мумкин. Бунда фақат ҳақорат содир қилмасликка интилиш лозим. Парвардигорнинг илоҳий номларини зикр қилишда йўл қўйиладиган ҳақоратларнинг ўн тури бор, иложи борича шу ҳақоратларни содир қилмасликка интилиш лозим. Лекин барибир, **ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳам Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юриш лозим**.

3. **"Шримад Бҳагаватам"нинг илоҳий ҳикояларини тинглаш**. Бунинг учун Парвардигорнинг ҳақиқий содиқларининг "Шримад Бҳагаватам"дан қиладиган маърузаларини тинглаш "Шримад Бҳагаватам"нинг ишончли таржималарини ўқиб-ўрганиш лозим.

4. Парвардигор Шри Кришна туғилиб ўсган **Матхурада яшаши**. Руҳий устоздан фотиҳа олгандан кейин шогирд Кришнанинг Илоҳи(муртиси)ни ўрнатиб ва бутун оиласи билан Унга сиғиниб яшаши ташкил этиб, ўз уйини Матхурага айланттуриши лозим.

5. Уйда ўрнатилган **Илоҳга чуқур иймон ва садоқат билан самимий сизиниш** лозим, шунда уйда худди Парвардигорнинг салтанатидагидай илоҳий мухит юзага келади. Бунга фақат ана шу илоҳий санъатни яхши биладиган ва шогирдига буни қандай қилиб тўғри ташкил этишни кўрсата оладиган руҳий устоз ёрдамида эришиш мумкин.

Мана шу кўрсатмаларга жаҳоннинг истаган жойида яшайдиган ҳар қандай инсон амал қилиб яшаши мумкин. Шундай қилиб, атайлаб ҳозирги даврда Ер юзида яшаётган адашган ғофил бандаларни озодликка чиқариш учун бу оламга Шри Чайтанья Махапрабху киёфасида ташриф буюрган Парвардигорнинг Ўзи сингари ишончли зотлар тавсия қилган мана шу осон йўлдан фойдаланиб, **ҳар қандай омадли инсон** ҳам ўзининг мангу уйига, **Худонинг даргоҳига қайтиб кетишга тайёрлана олади.**

Бу мавзунини чуқурроқ ўрганиш учун "Бхакти-расамрита-синдху" сингари асарларга мурожаат қилиш лозим, бу асарни биз таржима қилиб, "Садоқат лаззати" номи билан қисқача баён этганмиз.

Руҳий оламга ўтиш жараёни айни пайтда руҳнинг барча моддий – кўпол ва нафис қобикларини аста-секин бартараф қилишини ҳам назарда тутлади. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг юқорида кўрсатилган беш тури шунчалик кучли руҳий қудратга эгаки, уларга самимий риоя қилиб юрган содиқ хизматкор ҳатто бу йўлнинг бошланғич давларидаёқ тез орада **бхава** поғонасига кўтарила олади. **Бхава** поғонаси бевосита **према**(Худога муҳаббат) поғонасидан олдин келадиган поғона бўлиб, унда содиқ ўзининг қалбида ақл ва тафаккурнинг фаолиятига нисбатан илоҳий даражада бўлган руҳий кечинмаларни бошидан кечири бошлайди. **Бхава** ҳолатига бутунлай ғарқ бўлиш - содиқнинг бу вақтинчалик моддий даргоҳни тарк этгандан кейин шу заҳотиёқ руҳий оламга эришишига имкон беради. Аслини олганда, қалбида Худога нисбатан комил муҳаббат туйғусини ривожлантира олган содиқ хизматкор ҳатто ўзининг моддий танасида юрган пайтидаёқ руҳий поғонага кўтарилган бўлади. Унинг ҳолатини худди оловда чўғдай кизиган темирга ўхшатиш мумкин: темир олов билан қўшилиб, ўзининг темир сифатларини йўқотиб, худди оловдай куйдирадиган сифатга эга бўлади. Бундай ҳолатга фақат Парвардигорнинг англаб бўлмас сирли қуввати ёрдамида эришиш мумкин. Дунёвий илм-фан Парвардигорнинг бу қудратини аниқлашга ёки ўлчашга қодир эмас. Шунинг учун инсон мустаҳкам чуқур иймон билан ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаши лозим. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига чуқур иймон ҳосил қилиш учун эса, Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорлари билан учрашишга, агар иложи бўлса, улар билан бевосита шахсий муносабат ўрнатишга интилиш, ҳамиша улар ҳақида ўйлаб юриш лозим. Худонинг содиқлари билан ҳамсуҳбат бўлиб юриш натижасида инсон аста-секин Худога ҳақиқий садоқат билан хизмат қила бошлайди, шунда у қалбидаги барча шубҳаю-гумонлардан бутунлай халос бўлади. Бу йўлдан бораётган содиқ руҳий юксалиш йўлидаги мана шу босқичларни шахсан ўзи ҳис қила боради, бу эса, унинг ҳақиқатан ҳам руҳий оламга эришиш йўлида муваффақият қозонаётганига бўлган ишончини тобора кучайтира боради. Натижада унинг қалбида Худога ва Унинг даргоҳига нисбатан қаттиқ боғланиш туйғуси пайдо бўлади. Инсоннинг ўз қалбида бу дунёдаги энг зарур эҳтиёжи бўлган **Худога муҳаббат туйғусини аста-секин ривожлантириш жараёни** ана шундан иборат.

Инсоният тарихидан биз аввал яшаб ўтган ва мана шу йўлдан бориб руҳий баркамолликка эришган буюк зотларни – буюк донишмандларни, авлиё шохларни биламиз. Улар орасида Худога садоқат билан хизмат қилишнинг атиги биргина тури билан жиддий ва самимий шуғулланиш шарофати билан ҳам тўла руҳий баркамолликка эришган зотлар бор. Мисол тариқасида улардан баъзиларини келтирамиз: 1. Император Парикшит Худога садоқат билан хизмат қилиш бобида ишончли зот бўлган Шрила Шукадева Госвамиининг гапларини диққат билан **тинглаш** орқали руҳий баркамолликка эришган. 2. Шри Шукадева Госвами ўзининг буюк отаси Шри Вйасадевадан тинглаган илоҳий илмини ўзгартирмасдан **такрорлаб бериш** шарофати билан руҳий баркамолликка эришган. 3. Император Прахлада буюк авлиё ва Худонинг содиқ хизматкори Шри Нарада Муниининг кўрсатмаларига амал қилиб, Парвардигорни **узлуксиз эслаб юриш** шарофати билан руҳий фаолиятда муваффақият қозонган. 4. Равнақ фариштаси Лакшми Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида ўтириб, уларга **хизмат қилиш** шарофати билан руҳий баркамолликка эришган. 5. Шох Притху Парвардигорга **сажда қилиш** шарофати билан руҳий баркамолликка эришган. 6. Аравакаш Акрура Парвардигорга самимий **илтижо қилиш** шарофати билан руҳий баркамолликка эришган. 7. Парвардигор Рамачандраниннг машхур содиқ хизматкори, ҳатто инсон танасига ҳам эга бўлмаган Хануман(Махавира) Парвардигорнинг **буйруқларини сидқидилдан бажариш** билан руҳий баркамолликка эришган. 8. Буюк жангчи Аржун эса, унга ва унинг издошларига руҳий илм сирларини ўргатиш ниятида "Бхагавад-гита"ни гапириб берган Парвардигор билан **дўстона муносабатда бўлиш** шарофати билан руҳий баркамолликка эришган. 9. Император Бали Парвардигорга **бутун бойлигини**, шу жумладан, ҳатто ўз танасини **ҳам эҳсон қилгани** учун руҳий баркамолликка эришган.

Худога садоқат билан хизмат қилишнинг асосий тўққиз тури шулардан иборат бўлиб, шогирд ўз хоҳиши билан улардан биттасига, иккитасига, уч ёки тўрттасига ёки бирданига ҳаммасига амал қилиб юриши мумкин. Мутлақ Ҳақиқатга хизмат қилишнинг ҳар қандай тури ҳам мутлақ поғонада бўлади, моддий оламдаги ўзаро хизмат турларидан фарқли равишда, Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бу турлари орасида сифат ёки миқдор жиҳатидан ҳеч қандай фарқ йўқ. Гарчи руҳий олам ранг-барангликка тўла бўлса ҳам, руҳий поғонада ҳамма нарса бир хил мутлақ кадр-қимматга эга. Император Амбариша Худога садоқат билан хизмат қилишнинг барча тўққиз турига бирдай амал қилиш билан руҳий баркамолликка эришган. У ақлини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи ҳақидаги ўйларга ғарқ қилган, тили руҳий олам ҳақидаги хикояларни гапириш билан, қўллари эса – Парвардигорнинг эҳромини тартибга солиш билан банд эди. У кулоқлари билан камтарин холда Парвардигор Шри Кришнаниннг гапларини тингларди, кўзлари Парвардигорнинг муртиси(Илоҳи)нинг жамолини томоша қилар, танаси эса, фақат Худонинг содиқлари танасига тегарди. Унинг бурни фақат аввал Парвардигорга тақлиф этилган гуллар хидини хидларди, тили фақат Парвардигорга тақлиф этилган таомлар билан лаззатланарди, оёқлари уни Парвардигорнинг эҳромларига олиб борарди. Унинг бутун ҳаёти, куч-қудрати Худога садоқат билан хизмат қилишга қаратилган эди, - унда заррача бўлса ҳам, ўзининг ҳис-туйғуларининг талабини қондириш истаги қолмаганди. Ана шундай

фаолият билан шуғулланиб, у энг олий рухий баркамоллик чўққисига эришган. Шундай рухий баркамоллик олдида дунёвий илм-фан эришган ютуқлар кўримсиз, арзимас мато бўлиб кўринади.

Шу боис, ҳар бир инсон ўз ҳаётини комил поғонага кўтариш учун Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ана шу қонун-қоидаларига амал қилиб яшаши лозим. **Инсоннинг бу дунёдаги ягона бурчи** – ўзининг руҳ эканини англаб етиш, лекин афсуски, ҳозирги даврдаги худобехабар жамиятда яшайдиган одамларнинг аксарият кўпчилиги ўзларининг “ватанпараварлик” бурчини бажаришга ғарқ бўлганлар. Аслида фақат ўзининг руҳ эканини ва рухий вазифаларини эсдан чиқарган одамларгина ўз миллати, жамияти ва инсоният олдидаги бурч ва вазифаларига қаттиқ боғланиб қоладилар. Инсон Ер юзида дунёга келган заҳоти нафақат ўз миллати, жамияти ва бутун инсоният олдида, балки, уни ҳаво, сув, ёруғлик ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаб турган фаришталар олдида ҳам қарздор бўлиб қолади. У бутун жаҳон аҳлига бебаҳо илмлар қолдириб кетган буюк донишмандлар олдида ҳам қарздор. Бундан ташқари унинг ўз ажодлари, оила аъзолари ва бошқа тирик мавжудотларга нисбатан ҳам турли хил бурч ва вазифалари бор. Лекин, **агар у ўзининг битта ва ягона асосий бурчини** – ўзининг руҳ эканини англаб, рухий вазифасини **бажариб яшаса**, - унинг бошқа барча бурч-вазифалари ҳеч қандай қўшимча уринишларсиз, ўзидан-ўзи бартараф бўлади.

Худонинг содиқлари жамиятга ҳеч қачон ҳеч қандай зарар келтирмай яшайдилар, аксинча, улар бутун инсониятга жуда катта фойда келтирадилар. Рухий оламга самимий интилаётган содиқ хизматкор гуноҳ ишларга қўл урмайди, шунинг учун, инсон Худонинг асл содиқ хизматкори бўлиб етишган заҳоти бутун инсониятнинг манфаати ва гуллаб-яшнаши учун ҳолис хизмат қилишга қодир бўлади ва шу тарзда у ҳар бир инсоннинг ҳозирги ҳаёти учун ҳам, келажаги учун ҳам тенгсиз фойда келтиради. Ҳатто ана шундай содиқ хизматкор билмасдан бирор гуноҳ иш қилиб қўйса ҳам, Парвардигорнинг Ўзи шу заҳотиёқ уни тўғри йўлга солиб қўяди. Шу боис Худонинг содиқ хизматкори ўзининг дунёвий илмини оширишга ёки ҳамма нарсадан воз кечиб таркидунёлик қилишга интилиши шарт эмас. У бемалол ўз уйида яшаган ҳолда, оилавий аҳволи ёки рухий мартабаси қандай бўлишидан қатъий назар, хотиржамлик билан Худога садоқат билан хизмат қилиб яшаши мумкин. Инсоният тарихида ҳатто энг баджаҳл, шафқатсиз одамлар ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан энг меҳрибон раҳмдил одамларга айлангани ҳақида жуда кўп мисоллар бор. Худонинг асл содиқ хизматкори табиий равишда, ҳеч қандай ортиқча уринишларсиз ўзининг барча беъмани, ёкимсиз одатларидан халос бўлади.

**Рухий юксалиш санъати** ва Худога садоқат билан хизмат қилиш илми – ҳиндистонлик донишмандларнинг бутун инсониятга ато этган **бебаҳо неъматидир**. Шу боис, Ҳиндистон заминида туғилган ҳар бир инсон ўзи ана шу буюк санъат ва илмининг қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиб рухий баркамолликка эришиши ҳамда уларни бутун жаҳонга, инсон ҳаётининг ана шу олий мақсади ҳақида ҳеч нарса билмайдиган ғофил одамлар орасида кенг тарқатишга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Бутун инсоният тараққиётининг вазифаси – рухий илмини тобора чуқурлаштира бориб, рухий баркамолликнинг юксак поғонасига кўтарилишдан иборат. Ҳиндистонлик донишмандлар рухий баркамолликнинг ана шундай поғонасига эришган зотлардир.

Шундай экан, нимага бошқалар ана шундай поғонага кўтарилиш учун яна минглаб йиллар кутиб юришлари керак? Мана шу, аниқ тартибга солинган рухий илмини уларга ҳам етказиб беришга ва бу билан уларнинг вақтини, куч-қувватини тежаб қолишга нима тўсқинлик қилади? Одамлар ўзларига берилган бундай нодир имкониятдан ҳозирги ҳаётининг ўзидаёқ фойдаланиб қолишлари лозим, чунки улар миллион йиллардан бери чексиз туғилиб-ўлишлар орқали ўтиб, ҳозирги ҳаётида нодир инсон танасига эришганлар.

Бир машҳур рус адиби бор овози билан “илмий тараққиёт ёрдамида инсон мангуликка эриша олади” деб бутун жаҳонга жар соляпти. Лекин, айти пайтда унинг ўзи оламни яратган Олий Зотнинг мавжудлигига ишонмайди. Лекин барибир, биз унинг бу ғоясини олқишлаймиз, чунки биламизки, ҳақиқий илмий тараққиёт албатта инсонни рухий оламга олиб чиқади ва дунёвий иймонсиз олимларга олий яратувчи Зотнинг мавжудлигини исботлаб, Унинг чексиз имкониятлари дунёвий илм-фаннинг чекланган тасаввурлари доирасига сиғмаслигини кўрсатиб беради.

Аввал айтилганидек, ҳар бир тирик мавжудот мангу қиёфага эга, лекин, у ўзининг ташқи қобикларини – қўпол ва нафис таналарини алмашлаб юришга мажбур, мана шу тана алмаштириш жараёнини биз **ҳаёт** ва **ўлим** деб атаймиз. Токи тирик мавжудот моддий оламда тутқун бўлиб юрар экан, у ҳатто моддий тирикчиликнинг энг юқори поғонасида ҳам муқаррар тана алмаштириш жараёнини четлаб ўта олмайди. Рус адиби ёзувчиларга хос бўлган одатига кўра истаганча хом хаёлларга берилиб юриши мумкин, лекин чуқурроқ фикр юрита оладиган, табиат қонунларини яхши биладиган оқил кишилар бу дунёда мангу ҳаётга эришиш мумкин эканига ҳеч қачон ишонмайдилар.

Синчков табиатшунос олим моддий табиатнинг умумий қонунларини бирор дарахт мевасининг ривожланиши мисолида ҳам ўрганиб олиши мумкин. Аввалига гул бўлган кичкина мева бироз вақт дарахт шохасида ўсиб туради, ўлчами катталашади, пишиб етилади, кейин эса, кун ўтган сайин, то ерга узилиб тушгунча сўлиб бораверади. Ерга тушган мева ўзидан уруғлик қолдириб, ерга қўшилиб кетгунга қадар чирийди. Ундан қолган уруғлик, ўз навбатида, ўсиб катта дарахтга айланади. Вақти келиб унда кўплаб мевалар пайдо бўлади, лекин, бу меваларнинг тақдири ҳам худди шундай бўлади. Бу жараён такрор ва такрор давом этаверади.

Худди шундай, тирик мавжудот(Парвардигорнинг бир зарраси бўлган рухий зарра) жинсий алоқа пайтида она қорнида ўзининг жисмоний танасига эга бўлади. У она қорнида кун сайин ўсиб-ривожланиб боради, кейин дунёга келади, ўсиб-улғаяди, ёш бола, ўсмир, йигит бўлади, кейин бола-чақа қилади, кексаёди ва адибларнинг ушалмас орзу-умидларига қарама-қарши равишда, вақти келиб бир куни албатта ўлади. Шундай қилиб, қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, инсон билан меванинг ҳаёти бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Худди мевага ўхшаб инсон ҳам бола-чақа қилиб ўзидан зурёд қолдириши мумкин, лекин моддий табиат қонунларига кўра у ўзининг ҳозирги танасида мангу яшаб қолаолмайди.

Ким бу дунёда моддий табиат қонунларини инкор эта олади? Қанчалик мағрурланмасин бирор дунёвий олим моддий табиатнинг ўзгармас қудратли қонунларини ўзгартиришга қодир эмас. Бирор астроном ёки табиатшунос сайёраларнинг орбиталарини ўзгартиришга қодир эмас. Улар фақат кўримсиз даражада кичкина бўлган бирор ускуна ясаб, уни “Ер йўлдоши” деб

аташлари мумкин. Бундай ишлар фақат ана шундай йўлдош ва космик кемаларни яратган зотларни олқишлайдиган фаросатсиз ёш болаларни хайратга солиши мумкин. Лекин, соғлом фикрлай оладиган оқил инсонлар дунёвий олимлар ҳатто санаб адоғига етолмайдиган ҳақиқий баҳайбат сайёраларни – Қуёшни, юлдуз ва сон-саноксиз сайёраларни яратиб қўйган Зотнинг кароматига, фаолиятига тан берадилар. Агар, ҳатто ўйинчоқ Ер йўлдошларининг ҳам Россия ва Америкада яшайдиган яратувчилари бор бўлса, табиий равишда тахмин қилиш мумкинки, баҳайбат сайёраларнинг ҳам руҳий оламда қандайдир яратувчиси бор. Агар ўйинчоқ Ер йўлдошини яратиш ва уни орбитага олиб чиқиш устида шунча олимлар бош қотирган бўлсалар, шунча сайёралардан иборат галактикани яратган ва уларни орбитадаги тартибли ҳаракатини таъминлаб турган Зотнинг ақли қанчалик нафис ва мукамал бўлиши керак? Худога ишонмайдиган иймонсиз атеистлар ҳали бу саволга жавоб беролганларича йўқ.

Иймонсиз олимлар олам яралиши борасида ўзлари ўйлаб топган кўплаб таълимотларни ўртага ташлайдилар, лекин бу мужмал таълимотлар одатда “буни тушуниш кийин”, “бу бизнинг тасаввуримизга сиғмайди, лекин бўлиши мумкин” ёки “буни англаб етишнинг иложи йўқ” сингари гаплар билан тамом бўлади. Демак, уларнинг бу маълумотлари ҳеч қандай ишончли асосга эга эмас ва илмий жиҳатдан тасдиқланмаган. Улар бу гапларни шунчаки ўзлари тўқиб чиқарадилар. Бу ҳақда ишончли маълумотларни "Бҳагавад-гита"дан олиш мумкин. Масалан, "Бҳагавад-гита"да айтилганки, моддий оламда 4.300.000 x 1.000 x 2 x 30 x 12 x 100 куёш йилига тенг умр кўрадиган тирик мавжудотлар бор. Биз "Бҳагавад-гита"да берилган маълумотларни айна ҳақиқат сифатида қабул қиламиз, чунки, "Бҳагавад-гита"ни Ҳиндистоннинг Шанкарачарйа, Шри Рамануджачарйа, Шри Мадхвачарйа ва Шри Чайтанья Махапрабху сингари буюк донишмандлари ишончли манба сифатида тан олганлар. "Бҳагавад-гита"да айтилганки, моддий оламнинг барча чигал қиёфалари, қанчалик узок умр кўришидан қатъий назар, албатта емириладилар ва яксон бўлишга маҳкум.

Демак, гарчи моддий қувват умуман олганда сакланиб қолса ҳам, барча моддий қиёфа ва шакллар ўзгариш қонунига бўйсундилар. Умуман олганда ҳамма нарса мангу, лекин моддий оламда модда аввал бирор шаклга эга бўлади, бироз вақт ўз шаклини саклаб туради, кейин кексади, сўлийди ва ниҳоят шаклини йўқотади. Бу ҳолат ҳамма моддий нарсаларда рўй беради. Дунёвий олимларнинг “моддий оламдан ташқарида биз кўра олмайдиган, қандайдир ғалати ва англаб бўлмас, бошқача шакл мавжуд” деган тахминлари – шунчаки, мангу руҳий оламнинг мавжудлигига ишора, холос. Лекин, алоҳида руҳий заррачалар жуда яқинда, ҳар бир тирик мавжудот ичида мавжуд. Агар моддий тана ичида ана шу руҳий заррача бўлмаса, унда ҳаёт ҳам бўлмайди. Масалан, боланинг танаси ўсиб ривожланади, чунки унинг ичида руҳий заррача, жон бор. Жон танани тарк этган заҳоти тананинг ривожланиши тўхтаб қолади. Бу қонун моддий оламдаги ҳамма нарсаларга бирдай тааллуқли. Жон билан қўшилиб, модда бир шаклдан иккинчи шаклга айланади. Агар жон бўлмаса бундай ўзгаришлар рўй бериши мумкин эмас. Бутун моддий олам ана шу қонун асосида ривожланади. Моддий олам Илоҳий Зотнинг руҳий қудрати шарофати билан Унинг Ўзидан чиқади, кейин ривожланиб Қуёш, Ер, Ой ва бошқа сайёраларга ўхшаган шаклларга айланади. Ўлчамлари

ва хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиладиган ўн тўрт сайёралар тизими мавжуд, уларнинг ҳаммаси ривожланишнинг умумий қонунига бўйсундилар. Ҳамма нарса руҳий қувват яратади, модданинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишига ва унинг ривожланишига ҳам ана шу руҳий қувват сабаб бўлади.

Албатта, баъзи бир нодонлар айтганидек, ҳаёт фақат моддий унсурларнинг ўзаро аралашуви туфайли, масалан, кимёвий реакциялар натижасида юзага келмайди. Моддаларнинг ўзаро фаолияти Олий Зотнинг амри билан ҳаракатга келади, шу Зот моддий шакл ичига руҳий қувват кириши учун қулай шароит яратиб беради. Олий қувват руҳий зотнинг амрига мос равишда моддаларни ҳаракатга келтиради. Масалан, қурилиш материаллари ўзидан-ўзи ўзаро ҳаракатга келиб, бир-бири билан қўшилиб ажойиб бино шаклига кира олмайдилар. Руҳий мавжудот ўз истагига яраша моддаларни ҳаракатга келтириб, ўзига бино қуради. Демак, модда – шунчаки қурилиш материали, яратувчи эса – жон, руҳдир. Фақат қалтафаҳм ғофил одамлар буни тан олмайдилар. Яратувчи зот сизнинг кўзингизга кўринмаслиги ҳам мумкин, лекин, бу унинг умуман мавжуд эмаслигига далил бўлолмайди. Моддий оламнинг баҳайбат қиёфаси бизни адаштириб қўймаслиги керак, ана шу намоеён бўлган моддий олам ортида турган олий тафаккурни кўра билишга интилиш лозим. Олий Зот, олий тафаккур – азалий яратувчи, ҳаммани ўзига жалб этувчи Худо Шахси, Шри Кришна. Буни ҳамма ҳам бирдай тушунавермайди, лекин ведавий муқаддас китобларда, хусусан "Бҳагавад-гита"да, айниқса, "Шримад Бҳагаватам"да яратувчи Зот ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Коинотга Ер йўлдоши чиқарганларида фақат ёш бола бунинг устида шунча олимлар бош қотирганини билмаслиги мумкин, лекин, соғлом фикрли катталар уларни ерда туриб олимлар бошқариб ўтиришини яхши биладилар. Худди шундай, қалтафаҳм ғофил одамлар оламни яратган Зот, бизнинг кўриш имкониятимиздан ташқаридаги руҳий оламда жойлашган Унинг мангу даргоҳи ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Лекин, руҳий осмон ҳам, ўлчамлари ва сони жиҳатидан моддий сайёралардан анча устун турадиган руҳий сайёралар ҳам, ҳақиқатан мавжуд. "Бҳагавад-гита"дан биламизки, моддий олам бутун борлиқнинг атиги тўртдан бир қисмини ташкил этади. "Шримад Бҳагаватам" ва бошқа ведавий муқаддас китобларда бунга ўхшаган маълумотлар жуда кўп.

Агар “маълум бир физик ва кимёвий бирикмаларнинг ўзаро ҳаракати натижасида” лабораторияда тирик мавжудот яратиш мумкин бўлса, нимага ана шу маҳмадона олимлар ҳалигача биронта ҳаёт турини ярата олмаяптилар? Улар тушуниб олишлари лозимки, руҳий қувват моддадан бутунлай фарқ қилади. Шу боис уни ҳеч қандай моддий усул ёрдамида яратишнинг иложи йўқ. Шубҳасиз, ҳозир руслар ва америкаликлар фан ва техниканинг жуда кўп соҳаларида катта ютуқларга эришганлар, лекин улар руҳий илм соҳасида ҳалигача аввалгидай ғофиллигича қолиб кетяптилар. Мукамал ва илғор фикрли инсонлар жамиятини яратиш учун улар олий тафаккурдан сабоқ олишлари лозим.

Социалистик жамият қуришнинг энг яхши фалсафий қонунлари "Шримад Бҳагаватам"да таърифланганидан русларнинг хабари йўқ. "Шримад Бҳагаватам"да айтилганки, бутун бойликларни, барча табиат инъомларини Олий Яратувчи, яъни, Парвардигор яратиб қўйган, лекин ҳар бир тирик мавжудот ана шу бойликлардан фақат ўз улушини олишга ҳақли. Яна

айтилганки, инсон фақат ўз танасининг эҳтиёжини таъминлаб туриш учун етарли бўлган миқдордагина бойликларга эга бўлиши мумкин, ундан кўпини олишга ёки ўз улушидан ортикча нарсалардан фойдаланишга уринган киши албатта жазоланади. Яна айтилганки, одамлар ҳатто ҳайвонларга ҳам худди ўз фарзандларидай муносабатда бўлишлари лозим.

Ишончимиз комилки, Ер юзиде истиқомат қилаётган халқлардан бироргаси социализм қонунларини "Шримад Бхагаватам"дагидай мукамал таърифлашга қодир эмас. Фақат одамларга эмас, балки ҳатто барча тирик мавжудотларга худди ўз фарзандлари ёки қариндошларидай муносабатда бўлишга фақат оламни яратиб қўйган Зотни яхши таниган ва тирик мавжудотларнинг асл табиати қандайлигини биладиган киши қодир бўла олади.

Одамлар қадим замонлардан бери зўр бериб интилиб юрган мангу ҳаётга фақат руҳий оламда эришиш мумкин. Бу асарнинг бошида айтиб ўтганимиздек, мангу ҳаётга интилиш туйғуси – инсон қалбида мудраб ётган руҳий ҳаётнинг белгисидир. **Инсоният тараққиётининг асосий мақсади мангуликка эришиш бўлиши лозим.** Мана шу асарда баён этилган *бхакти-йога* усулидан фойдаланиб ҳар бир инсон руҳий олам салтанатига эриша олади. Бу - буюк санъат, Ҳиндистон бутун жаҳон аҳлига комил инсон ҳаёти, ҳақиқий руҳий баркамоллик қандай бўлишини тушунишга ёрдам берадиган жуда кўп аниқ илмий асарлар тақдим этган.

*Бхакти-йога* – инсоннинг мангу дини, мангу аъмолдир. Жамиятда дунёвий илм-фан бошқа ҳамма нарсани, шу жумладан диний қонун-қоидаларни ҳам четга суриб қўйиб, ўзи устивор бўлиб олган ҳозирги даврда ана шу мангу дин қонунларини замонавий олимлар нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш жуда фойдали бўларди. Ҳатто доктор Радхакришнан дунё динларининг бугунжаҳон конгрессида тан олган эдики, “токи дунёвий илм-фан диний қонунларни тан олмас экан, ҳозирги жамиятдаги одамлар дин қонунларини қабул қилмайдилар”. Ўз навбатида биз ҳақиқат излаб юрган интилувчан инсонларга хабар берамизки, ***бхакти-йога* – бутун оламнинг мангу дини бўлиб, у ягона Парвардигор билан ўзаро мангу ришталар билан боғланган барча тирик мавжудотлар учун мўлжалланган.**

Шрипада Рамануджачарйанинг таърифлашига кўра *санатана* (“мангу”) дегани – “бошланиши ва охири бўлмаган воқелик”ни англатади. *Санатана-дҳарма*, яъни, “мангу дин” ҳақида гапирар эканмиз, биз унинг ана шу мангу хусусиятини назарда тутамиз. Боши ва охири бўлмаган воқелик чекланган хусусиятларга эга бўлган ҳар хил секта ва оқимларнинг ҳар қандай кўринишига умуман зид бўлган мангу дин ҳисобланади. Замонавий илм-фан бизга *санатана-дҳарма* жаҳондаги барча халқларнинг, умуман олганда, коинотдаги барча тирик мавжудотларнинг асосий машғулоти эканини кўра билиш имконини беради. Мангу(*санатана*) бўлмаган дин инсоният тарихининг маълум бир босқичида бошланади, лекин, санатана-дҳарманинг бошланиш вақтини аниқлашнинг иложи йўқ, чунки у ҳамшиша тирик мавжудот билан бирга.

Инсон ўзини бирор динга – индуизмга, исломга, христианликка, буддизмга ёки қандайдир бошқа секта ёки оқимга мансуб деб ҳисоблаб, ўзи туғилган макон ва замонни назарда тутганида, у ўзининг ҳам, динининг ҳам мангу эмас(*асанатана-дҳарма*)лигини тан олган бўлади. Индус ислом динига, мусулмон – индуизмга ёки христианликка ўтиши мумкин, лекин, барибир

бунда битта нарса ўзгармай қолаверади – у ҳамшиша кимгадир хизмат қилади. Индус ҳам, мусулмон ҳам, христиан ҳам, буддист ҳам ҳамшиша кимгадир хизмат қилади. Инсоннинг қандайдир динга мансублиги *санатана-дҳарма* эмас. *Санатана-дҳарма* – тирик мавжудотнинг мангу ҳамроҳи, **барча динларни бирлаштирадиган умумий мезон.** *Санатана-дҳарма* – хизмат қилишдир.

"Бхагавад-гита"да *санатана* тушунчаси бир неча марта таърифланган. Ишончли зотга мурожаат қилиб *санатана-дҳарма* иборасининг мазмунини тушунишга ҳаракат қиламиз.

*Санатанам* ибораси "Бхагавад-гита"нинг еттинчи боб, ўнинчи шеърда келтирилган, унда Парвардигор айтганки, У – бутун борлиқнинг бошланғич мангу манбаи, шу боис У – *санатанам*. Упанишадларда бутун борлиқнинг бошланғич манбаи мукамал тўла-бутун Зот экани тасдиқланган. Ундан чиқадиган ҳамма нарса ҳам тўла бутун бўлади, лекин, бошланғич тўла-бутун Зотдан кўплаб тўла бутун мавжудотлар чиқиб турганига қарамай, Унинг Ўзи на миқдор жиҳатидан, на сифат жиҳатидан ўзгармай қолаверади (“Ишопанишад”). *Санатана* бўлган Зотнинг ўзгармас табиати шундай бўлади. Замон ва шароит таъсири остида ўзгарадиган нарсаларнинг ҳаммаси – *санатана* эмас, яъни, - *асанатана*. Шундай қилиб, шаклини ёки хусусиятларини ўзгартирадиган нарсаларни *санатана* деб бўлмайти. Бунга моддий мисол тариқасида Куёшни олиш мумкин. У миллион йиллар давомида нур таратиб турибди, лекин, у моддий жисм бўлишига қарамай, шакли ва нурлари ҳеч қандай ўзгармаган. Шундай экан, ҳеч қачон яратилмаган Зотнинг тузилиши ва хусусиятлари ҳам, – бутун борлиқни яратган манба бўлишига қарамай, - ўзгармас бўлиши лозим.

Парвардигор Ўзини барча тирик мавжудотларнинг отаси деб эълон қилади. У айтадики, ким бўлишидан қатъий назар, барча тирик мавжудотлар - Унинг ажралмас таркибий заррачаларидир. Демак, "Бхагавад-гита" барча тирик мавжудотлар учун мўлжалланган. "Бхагавад-гита"да Парвардигорнинг ана шу *санатана* (мангу) табиати ҳақида, шунингдек, Унинг моддий оламдан узоқда жойлашган даргоҳи ҳақида ва тирик мавжудотларнинг *санатана*(мангу) табиати ҳақида маълумот берилган.

"Бхагавад-гита"да Парвардигор Шри Кришна айтганки, бу моддий олам туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлар кўринишида келадиган мусибатларга тўла макондир. Бундай мусибатлар ҳатто моддий оламнинг энг олий сайёраси – Браҳмалокада ҳам бор. Фақат **Парвардигорнинг мангу даргоҳида ҳеч қандай мусибат йўқ.** Унинг даргоҳида куёш, ой ёки олов шуъласига эҳтиёж йўқ. У жойдаги сайёралар ўзларидан таралиб турган ёғду билан ёритилади, уларда илм ва лаззатга тўла мангу ҳаёт ҳукмрон. Мана шу – *санатана-дҳама*, “мангу даргоҳ” бўлади. Ўзидан-ўзи шундай хулоса келиб чиқади: *санатана-дҳамада санатана-пуруша*, яъни, *пурушоттама*, Парвардигор Шри Кришна билан бирга мангу ҳаётдан лаззатланиб яшаш учун барча тирик мавжудотлар ўзларининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб боришлари лозим. Улар бу ачинарли моддий оламда изтироб чекиб, мусибатларга тўла тирикчилик қилиб юрмаслиги керак. Моддий оламда, ҳатто энг олий сайёра Браҳмалокада ҳам бахт йўқ, шунинг учун фақат узоқни кўра олмайдиган калтафаҳм одамлар моддий оламдаги олий сайёраларга эришишни орзу қиладилар ва шу ниятларига эришишга интилиб яшайдилар. Бундан ташқари калтафаҳм одамлар ҳар хил фаришталарнинг

паноҳига киришга интиладилар, лекин улар ато этадиган мукофотлар мангу эмас. Шундай қилиб, ундай одамларнинг диний қоидалари ҳам, бу йўлда эришадиган натижалари ҳам вақтинчалик, ўткинчи нарсалар бўлади. Фаросатли киши дин никоби остида кўрсатиладиган ҳар қандай фаолиятни тарк этиб, ягона Парвардигорнинг, Худонинг Олий Шахсининг паноҳидан нажот топади, шунда ҳар нарсага қодир Ота хамиша ва ҳар бир ишда уни ҳимоя қилиб юради. Демак, *санатана-дхарма* – *бхакти-йога* йўлидир, бу йўлдан бориб, мангу(*сананата*) табиатли Парвардигорни ҳамда Унинг мангу(*санатана*) даргоҳини англаб етиш мумкин. Фақат шу йўл билан руҳий оламга – *санатана-дхамга* қайтиш ва шу жойда Парвардигорнинг мангу(*санатана*) эрмакларидан иштирок этиш мумкин.

Ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам, *санатана-дхарма* издошлари "Бхагавад-гита" руҳига содиқ қолган ҳолда ана шу мангу қонун-қоидаларга риоя қиладилар. Ана шу мангу қонун-қоидаларга риоя қилиб яшашга ҳеч ким тўсқинлик қила олмайди. Ҳатто саводсиз одамлар ҳам Худонинг даргоҳига қайтишлари мумкин. "Шримад Бхагаватам" ҳам, Парвардигорнинг Ўзи ҳам "Бхагавад-гита"да бизга шуни ваъда беради. Бутун инсоният аҳлига ана шу нодир имкониятдан фойдаланиш имконини бериш лозим. "Бхагавад-гита" *Бхарата-варша*(Буюк Ҳиндистон)заминида нозил бўлган, шу боис, мана шу ҳақиқий *санатана-дхарма* илмини бутун жаҳонга кенг тарқатиш Ҳиндистон заминида дунёга келган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Бу айниқса ҳозир, адашган инсоният материализм зулматида мусибат чекиб ётган бугунги кунда жуда муҳим аҳамиятга эга. Олимлар "фан-техника тараққиёти" деб ҳисоблаб юрган атом бомбаси яратилиши билан **ҳозир бутун инсоният бутунлай яксон бўлиш хавфи остида турибди**. Лекин, *санатана-дхарма* одамларга инсоннинг бу дунёда **яшашдан ҳақиқий мақсади нима** эканини кўрсатиб беради, шу боис бу илми кенг тарғибот қилиш уларга чексиз фойда келтиради.

## Сайёралар тизимининг ранг-баранглиги

Одамлар Ойга саёҳат қилишга интилиб юрган ҳозирги даврда Худога сиғинишни, Худони англаб, Унинг истагига мос бўлиб яшашга интилишни қандайдир эскилик қолдиқлари деб ўйламаслик керак. Одамлар Ойга интилиб юрибди, биз эса Худонинг муқаддас номларини зикр қиламиз. Лекин, бунинг учун бизларни "илмий тараққиётдан, умуман олганда, маданиятдан ортда қолган одамлар" деб ҳисоблаш ногўғри. Биз илмий тараққиёт йўлини аллақачон охиригача босиб ўтганмиз. "Бхагавад-гита"дан биламизки, инсон фақат ҳозирги кунга келиб, биринчи марта олий сайёраларга эришишга интилаётгани йўк. Газеталар қатта сарлавҳаларни "Ойга қўйилган биринчи қадам" деб бутун оламга жар соляптилар, лекин, ўша журналистларнинг хабари йўкки, миллионлаб одамлар аллақачон Ойда яшаб, яна Ер сайёрасига қайтиб келганлар. Бундай саёҳатлар қадим замонлардан бери узлуксиз давом этиб келяпти. "Бхагавад-гита"(8.16)да Парвардигор шундай дейди: "Азизим Аржун, ҳатто сен коинотдаги энг олий сайёрага – Брахмалокага йўл олсанг ҳам, барибир Ерга қайтиб келишга мажбурсан". Демак, сайёралараро саҳат янгилик эмас. Худонинг содиқлари буни жуда яхши билладилар.

Биз ягона Парвардигорга иймон келтириб, Унинг амру-иродасига бўйсуниб, Унинг хоҳишига мос яшашга аҳд қилганимиз учун Унинг айтган ҳар бир гапини мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қиламиз. Ведавий муқаддас китобларда айтилганки, коинотда турли хил сайёралар тизими мавжуд. Биз яшаётган сайёралар тизими Бхурлока деб аталади. Ундан юқорида Бхуварлока сайёралар тизими, ундан ҳам юқорида Сварғалока сайёралар тизими жойлашган(Ой ана шу сайёралар тизимига киради). Сварғалокадан кейин Махарлока, ундан кейин Джаналока, кейин – Сатялока. Қуйи сайёралар тизими ҳам мавжуд. Коинотдаги ҳамма сайёралар ўн тўрт сайёралар тизимига бўлинган, куёш шу сайёраларнинг энг асосийси ҳисобланади. "Брахма-самхита"(5.52)да Куёш шундай таърифланган: "**Мен ягона Парвардигор Говиндага сажда қиламан, Унинг амрига бўйсуниб Куёш қувват ва иссиқлик олган ҳолда, ўз орбитасидан четга чиқмасдан ҳаракат қилади. Барча сайёралар ичида энг асосийси бўлган Куёш Парвардигорнинг кўзидир**".

Биз кўзларимиз билан фахрланишимиз мумкин, лекин, агар куёш нури бўлмаса, биз ёнимизда турган кишини ҳам кўра олмаймиз. Одамлар баъзан кўполлик билан бизга савол берадилар: "Сиз менга Худони кўрсата оласизми?" Лекин, улар нимани ҳам кўра олардилар? Уларнинг кўзлари нимани кўра оларди? Худо, Парвардигор ҳар қандай ярамас истаган пайтда кўра олиши мумкин бўлган арзон-текин Зот эмас. Парвардигор нари турсин, агар Куёшнинг нури бўлмаса, биз умуман ҳеч нарсани кўра олмаймиз. Агар куёш бўлмаса бизлар кўрмиз, шунинг учун тунда, куёш ботгандан кейин электр нуридан фойдаланишга мажбурмиз.

Биз кўриб турган Куёш – биттагина ягона Куёш эмас, моддий оламда минглаб, миллионлаб куёшлар бор. Бу ҳақда "Брахма-самхита"(5.40)да айтилган. Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Шри Кришнанинг руҳий танасидан таралиб турган ёғду *брахмажйоти* деб аталади, ана шу брахмажйотида сон-саноксиз коинотлар мавжуд. Худди коинотдаги куёш нурида сон-саноксиз сайёралар бўлгани сингари, Кришнанинг танасидан таралаётган ёғдуда ҳам сон-саноксиз сайёра ва коинотлар бор. Биз ҳар бири ўзининг Куёшига эга бўлган кўплаб коинотлар мавжудлигини биламиз. Демак, миллиардлаб коинотлар ва миллиардлаб Куёш, Ой ва сайёралар бор. Парвардигор айтадики, моддий оламдаги ана шу сайёралардан бирортасига боришга интилиб юрган кишилар бекорга умрини хазон қилиб юрган одамлардир.

Кимдир Ойга бориб келди, деб фараз қилайлик, бундан инсоният нима фойда кўради? Шунчаки Ойга бориб уни ушлаб кўриш учун ўнлаб йиллар давомида шунча куч, қувват, маблағ сарфлаб юришнинг қандай маъноси бор? Ёки Ойда яшаб қолиш, шу жойда уй қуриб, дўстларни меҳмонга таклиф қилиш мумкинми? Ҳатто, кимдир Ойга боришга ва шу ёқда қолишга эришса ҳам, бу билан у инсониятга қандай манфаат келтиради? Токи биз моддий оламда қолар эканмиз - Ер сайёрасидами, ёки бошқа бирор сайёрадами – барибир биз хамиша ўзимиз билган ўша мусибатларга: туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлар сабабли бошимизга тушадиган мусибатларга маҳкум бўлиб қолаверамиз. Биз бу моддий оламда бундай мусибатлардан қочиб кутула олмаймиз.

Ҳатто биз кислород билан таъминлаб турадиган махсус маска кийиб, Ойда яшаб қолмоқчи бўлсак ҳам, у жойда бундай аҳволда қанча вақтгача қола оламиз, бу билан нимага эришамиз? Балки салгина кўпроқ умр

кўришимиз мумкиндир, лекин, барибир у жойда мангу яшай олмаймиз-ку. Бунинг иложи йўқ. Бир неча йил кўпроқ умр кўриш билан биз нимага эришамиз? Ҳатто дарахтлар ҳам биздан узок умр кўра оладилар-ку! Сан-Франсискога яқин бир ўрмонда етти минг йилдан бери турган бир дарахтни кўрганман. Хўш, бундан нима фойда? Етти минг йил бир жойда қўзғалмай тургани билан мағурланадиган зотнинг нимасини олқишлаш, нимасига хавас қилиш мумкин?

Қандай қилиб Ойга саёҳат қилиш мумкин, қандай қилиб ундан Ерга қайтиб келиш мумкин ва ҳоказо – буларнинг ҳаммаси ведавий муқаддас китобларда батафсил таърифланган. Бу ҳеч қандай янгилик эмас. Лекин, одамларга ягона Парвардигорни англаб етиш ва Унинг онги билан яшаш илмини тарғибот қилиб юрган “Қришнани англаш Халқаро жамияти” ўз олдига бутунлай бошқа мақсад қўйган. Биз ўзимизга ато этилган нодир инсон умрини бекорга хазон қилмоқчи эмасмиз. Парвардигор шундай дейди: “Моддий оламдаги у ёки бу сайёрага боришга уриниб, умрингни бекорга сарфлама. Бу билан нимага эришасан? Сен **каерга борсанг ҳам, мусибатларинг сен билан бирга боради**”. Бу ҳақда "Чайтанья-чаритамрита"нинг муаллифи жуда аниқ гапирган(Ади.3.97): **“Моддий оламда кимдир лаззатланади, кимдир азият чекади, лекин аслида, кимдир ўзини лаззатланаётган, кимдир – қийналаётган деб ўйлаётганига қарамай, бу дунёда ҳамма мусибат чекади”**.

Бу дунёда ҳамма мусибатларга дучор бўлади. Бу дунёда касаллик сабабли изтироб чекмайдиган одам борми? Кексалик сабабли қийналмайдиган одам борми? Ўлмайдиган одам борми? Ҳеч ким кексайишни, касалликка чалиниб изтироб чекишни истамайди, лекин шунга қарамай, ҳамма кексалик ва касаллик сабабли изтироб чекишга мажбур. Шундай экан, қандай қилиб бу дунёда лаззатланиб яшаш мумкин. Бу дунёда лаззатланиб яшашга интилишининг ўзи нодонликдир, чунки моддий оламда ҳақиқий лаззат йўқ. Шунчаки, “лаззат оляпмиз” деб, ақлимиз бизни алдайди, холос. “Мана бу – лаззат, бу эса - мусибат” деб ўйлашнинг хожати йўқ. Бу дунёда мусибатдан бошқа нарса йўқ. Шу боис "Чайтанья-чаритамрита"да шундай дейилади: “Овқатланишга, ухлашга, жинсий алоқага ҳамда ўзини химоя қилишга эҳтиёж ҳамиша, ҳамма жойда бор, лекин, булар ҳар ерда турлича намоён бўлади”. Масалан, кўпчилик одамлар аввалги ҳаётида кўплаб савоб ишлар қилгани сабабли ҳозир Америкада туғилганлар. Ҳиндистонда одамлар қашшоқликдан қийналиб яшайдилар, гарчи америкаликлар нонга сариеғ суртиб есалар-у, кўпчилик ҳиндистонликлар сариеғ нималигини билмасалар ҳам, барибир уларнинг ҳам, буларнинг ҳам тирикчилиги ўтиб турибди. Қашшоқ бўлгани билан ҳиндистонликлар очдан ўлаётганлари йўқ. Инсон аввалги ҳаётида қилган гунохлари сабабли ёмон шароитда туғиладими, қилган савоб ишлари натижасида яхши шароитда дунёга келадими - тананинг тўрт турли асосий – овқатланиш, ухлаш, жинсий алоқа ва ўзини химоя қилишга бўлган эҳтиёжини ҳамма жойда қондириб яшай олади. Инсоннинг бу дунёдаги асосий муаммоси – барча мусибатларга сабабчи бўладиган ана шу тўрт асосий нарсадан – туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлардан биратўла қутулишдан иборат.

Асосий муаммо шундан иборат. “Мен бугун қорнимни нима билан тўйғазаман” – деб бош қотиришнинг хожати йўқ. Ҳатто қушлар ва ҳайвонлар ҳам бу ҳақда бош қотирмайдилар. Тонг отиши билан қушлар сайрашни бошлайдилар. Улар бугун

Парвардигор уларга албатта ўзларининг ризку-насибасини беришини яхши биладилар ва шунга ишонадилар. Ҳеч ким очдан ўлаётгани йўқ, очарчилик муаммоси умуман бўлиши мумкин эмас, чунки Парвардигор бу дунёни шундай яратиб қўйганки, унда ҳаммага ҳамма нарса бемалол етади. (“Ризк берувчиларнинг яхшироғи Парвардигордир” – дейилган Қуръони каримда(Жумъа сураси, 11-оят). Моддий эҳтиёжлар фақат сифат жихатидан бир-биридан фарқ қилиши мумкин, лекин, инсон ҳаётининг мазмуни - яхшироқ нарсалар билан “лаззатланиш” эмас. Инсон ҳаётининг ҳақиқий муаммоси – қандай қилиб туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлардан халос бўлиш йўлини топишдан иборат, бу муаммоларни коинотдаги бошқа сайёраларга саёҳат қилиш орқали хал қилишнинг иложи йўқ. Ҳатто коинотдаги энг олий сайёрага эришсак ҳам, бу муаммоларни хал қилишнинг иложи йўқ, чунки ҳамма жойда биз муқаррар ўлимга дучор бўламиз.

Ведаларда айтилганки, Ой сайёрасида яшайдиган зотларнинг умри 10 000 йилга тенг бўлиб, уларнинг бир куни Ер сайёрасидаги олти ойга тенг. Демак, Ойда яшайдиган одамларнинг умри 10.000 x 180 йилга тенг бўлади. Лекин, Ердан борган кишилар у жойда шунчалик узок яшай олмайдилар, чунки шундай бўлса, бу Ведаларда келтирилган маълумотларга зид келган бўларди. Ойга боришга уриниш мумкин, лекин биз ҳозирги танамизда у жойда яшай олмаймиз. Ведаларда шундай дейилган. Шунинг учун биз у ёки бу сайёрага боришга уриниб вақтимизни бекорга сарфлашни истамаймиз. Биз бирданига Парвардигор Шри Кришна-нинг Ўзи мангу яшайдиган сайёрага кўтарилишга интиламиз. Парвардигор "Бҳагавад-гита"(9.25)да шундай дейди: **“Инсон Ойга ёки ҳатто Қуёш сайёрасига, ёки коинотдаги миллионлаб бошқа сайёраларга саёҳат қилиши мумкин, агар бу моддий оламдаги нарсаларга қаттиқ боғланиб қолган бўлса, у шу ерда қолиши мумкин. Лекин, бутун фикру-хаёли Менга боғланган Менинг содиқ хизматкорим Менинг олдимга келади”**. Бизнинг мақсадимиз шундан иборат. Рухий ҳаёт билан яшашга фотиҳа олиш шогирднинг охир-оқибатда рухий оламдаги энг олий сайёрага, Кришналоқага эришишига кафолат беради. Бизлар ҳам қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ – бизлар ҳам бошқа сайёраларга боришга интиламиз, лекин, биз охири вой бўладиган бемаъни ишларга вақтимизни кетказиб ўтирмаймиз.

Соғлом фикрлай оладиган киши моддий оламдаги бирор сайёрага боришга интилмайди, чунки, бу дунёнинг ҳамма жойида у ўзи биладиган тўрт турли мусибатларга дучор бўлади. "Бҳагавад-гита"дан билиб олиш мумкинки, ҳатто Браҳмалоқага, коинотдаги энг олий сайёрага боргандан кейин ҳам биз албатта мусибатларнинг ана шу тўрт турига дучор бўламиз. "Бҳагавад-гита"да ёзилганки, Браҳмалоқада бир кун бизларнинг вақт ҳисобимизга кўра миллион йилга тенг. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Коинотдаги энг олий сайёрага – Браҳмалоқага саёҳат қилиш мумкин, лекин, олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, агар ёруғлик тезлигида училса, унга қирқ минг йилда етиб бориш мумкин экан. Ким ҳам коинотда қирқ минг йил саёҳат қилишга қодир бўла оларди? Ведалар адабиётидан маълумки, маълум тайёр-гарлик орқали ўтиб, ҳар қандай сайёрага боришни ўрганиб олиш мумкин. Махсус машқлар ёрдамида олий сайёралар тизимига эришишни ўрганган киши бемалол шу сайёраларга йўл олиши мумкин. Йўлини билган киши коинотдаги қуйи сайёраларга бориши, ёки мана



шу сайёрада қолиши мумкин. Худди шундай, йўлини билган киши Парвардигорнинг Ўзи, Худонинг Олий Шахси яшайдиган сайёрага ҳам эриша олади. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг кўрган тайёргарлигига боғлиқ. Лекин, биз яшаётган моддий оламдаги сайёралар мангу эмас. Баъзи сайёраларда ҳаёт жуда узоқ давом этиши мумкин, лекин, эртами-кечми, моддий оламда яшаётган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси албатта ҳалок бўладилар ва бошқа моддий тана оладилар. Таналарнинг ҳар хил турлари мавжуд. Инсон танаси юз йил умр кўришга мўлжалланган, баъзи ҳашаротларнинг таналари – атиги ўн икки соат умр кўради. Шундай қилиб, таналарнинг умри нисбий ва ҳар хил бўлади. Лекин, руҳий оламга, Ваикунтхалокага эришган киши илм ва лаззатга тўла мангу танага эга бўлади. Агар инсон ҳаракат қилса, руҳий баркамолликнинг ана шундай поғонасига кўтарила олади. Буни "Бхагавад-гита"да Парвардигорнинг Ўзи бизга ваъда беради: **“Худонинг Олий Шахси, ягона Парвардигор ҳақида ҳақиқий илмга эга бўлган киши Менинг дароҳимга эриша олади”**.

Одамларнинг аксарият кўпчилиги “Худо – буюк Зот” деб айтадилар, лекин бу шунчаки юзаки тушунча. Биз Худонинг буюклиги нимада эканини яхши билиб олишимиз лозим, буни фақат ишончли муқаддас китоблардан билиб олишимиз мумкин. "Бхагавад-гита"да Парвардигор Ўзи ҳақида шундай дейди: **“Мен бу оламда худди оддий инсонлардай дунёга келаман, лекин аслида, Менинг бу дунёга келишим илоҳий табиатга эга”**. Парвардигор шунчалик меҳрибон ва раҳмдилки, худди оддий инсонлардай, Ўзи бизларнинг олдимизга келади, лекин Унинг танаси оддий инсонларнинг танасидан фарқ қилади. Бу ҳақда "Бхагавад-гита"(9.11)да шундай дейилган: **“Мен бу дунёга инсон танасида келганимда калтафаҳм, нодон одамлар Менинг устимдан куладилар. Улар Менинг илоҳий табиатимни ва Мен – бутун борликнинг олий ҳукмдори эканимни билмайдилар”**. Агар биз ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида маҳсус китобларни ўқиб ўргансак, Парвардигор Шри Кришнани англай оламиз, агар биз Парвардигорнинг табиатини тушуниб олсак, шунинг ўзиёқ бизни руҳий озодликка чиқаради. Биз – оддий инсонлармиз, шу боис Мутлақ табиатга эга бўлган Худонинг Олий Шахсини тўлиқ англаб етишга қодир эмасмиз, лекин Парвардигорнинг Ўзи гапириб берган "Бхагавад-гита" орқали биз руҳий устоз раҳбарлиги остида Парвардигор ҳақида инсон билиши мумкин бўлган ҳамма нарсани билиб олишга қодирмиз. Агар биз ҳақиқатан ҳам Худони таний олсак, вақти келиб танамизни тарк этган заҳоти Парвардигорнинг мангу салтанатига кира оламиз. Парвардигор шундай дейди: **“Руҳий илмни эгаллаган киши танасини тарк этгандан кейин бу моддий оламга қайтиб келмайди, чунки у мангу руҳий оламга, Менинг олдимга келади”**("Бхагавад-гита".4.9).

Биз ташкил қилган “Кришнани Англаш Халқаро Жамияти”нинг мақсади – мана шу илмий ҳақиқатни жаҳондаги ҳар бир инсонга етказишдан иборат. Бунинг йўли эса, жуда осон: инсон ҳамиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юриши лозим. Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре - Худонинг мана шу муқаддас номларини зикр қилиш орқали инсоннинг қалби покланади, шунда у, ўзи аслида Парвардигорнинг бир зарраси эканини, инсон сифатида ўзининг асосий бурчи – Худога хизмат қилиш эканини тушуниб олади. Бу жуда ёқимли машғулот, биз ҳар хил оҳангларда Худонинг муқаддас номларини куйлаймиз, куйларга

мос равишда чиройли рақсга тушамиз, аввал Парвардигорга таклиф этилган ширин таом(*нрасад*)лар билан овқатланамиз. Умримизни ана шундай ширин ҳаёт билан ўтказиш орқали биз айна пайтда ўзимизнинг Парвардигорнинг салтанатидаги кейинги ҳаётимизга ҳам тайёрланиб юрган бўламиз. Бу – хом-хаёл эмас, аниқ ҳақиқат. Гарчи, иймонсиз дунёвий одамларга бу шунчаки бир афсонадай бўлиб кўринса ҳам, шу йўл билан ҳақиқатан ҳам Худони англашга самимий интилиб юрган кишининг қалбида Парвардигор албатта Ўзини ошкор этади. Худога самимий интилиб юрган кишига Парвардигор ҳам, руҳий устоз ҳам албатта ёрдам беради. Руҳий устоз – ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида Олий Рух кўринишида мавжуд бўлган Парвардигорнинг ташқаридан намоён бўлган кўринишидир. Худонинг Олий Шахсини англаб етишга самимий интилиб юрган кишига унинг қалбида мавжуд бўлган Олий Рух дарров ёрдамга келади ва уни ҳақиқий руҳий устознинг олдига олиб боради. Шу тарзда руҳий илм излаб юрган киши ҳам ўзининг қалбидан, ҳам ташқаридан ёрдам олади.

"Бхагавата-пурана"да айтилганидек, инсон ягона Парвардигорни уч босқичда англаб етади: инсон аввалига шахсиятсиз Брахманни, яъни, шахсиятсиз Мутлақ Ҳақиқатни англаб етади. Кейин у Параматмани, Брахманнинг ҳар бир тирик мавжудот қалбида мужассам бўлган жиҳатини англаб етади. Параматма атомнинг ядроси таркибига кирадиган нейтронни эслатади, чунки У ҳар бир атом ичида ҳам мавжуд. Бу "Брахма-самхита"да таърифланган. Лекин, оқибат-натижада Олий Илоҳий Зотни ҳаммани Ўзига жалб қиладиган(Кришна) Шахс сифатида англаб етиш мумкин. У - англаб бўлмас бойликлар эгаси: У - барча бойликлар, бутун куч-қувват, шон-шухрат, гўзаллик, илм ва боғланмаслик манбаидир. Парвардигор ер юзига Шри Рама ва Шри Кришна қиёфасида келганида баркамолликнинг мана шу олти турининг ҳаммасини Ўзларида намоёиш этганлар. Бунда Парвардигор Шри Кришнани ҳамма эмас, балки фақат омадди билимдон кишилар ишончли муқаддас китоблар асосида таний оладилар. Бошқа одамлар эса, Парвардигорнинг ташқи қуввати таъсирига берилиб алданиб юраверадилар. Демак, Мутлақ Ҳақиқат - Мутлақ Шахс, ҳеч ким тенглаша олмайдиган, тенгсиз қудрат соҳиби бўлган Зот. Брахманнинг шахсиятсиз ёғдуси – худди Куёшдан таралиб турган нур сингари, Худо Шахсининг илоҳий танасидан таралиб турган нур.

"Вишну-пурана"да моддий қувват *авидйя*, “ғофиллик” деб аталган бўлиб, у кармали фаолиятда намоён бўлади. Кармали фаолият – инсоннинг моддий сезгиларининг талабини кондиришга қаратилган фаолиятидир. Гарчи тирик мавжудот алданишга мойил ва сезгиларининг талабини кондиришга уриниб, моддий қувват қопқонига тушиб қолган бўлса ҳам, аслида, ўзи Парвардигорнинг руҳий(аксилмоддий) қувватига мансуб. Шу жиҳати билан тирик мавжудот – ижобий қувват, модда эса, – салбий қувват ҳисобланади. Токи руҳий тўла бутуннинг ажралмас бир зарраси бўлган олий, руҳий қувват билан бирикмагунча модда мустақил ҳолда ривожлана олмайди. Албатта, оддий инсонларнинг тирик мавжудотлар намоён этадиган руҳий қувватнинг табиатини тушуниб етиши жуда қийин, шу боис бу улар учун ҳамиша жумбоқ бўлиб қолаверади. Баъзан у ўзининг мукамал бўлмаган сезгилари ёрдамида руҳ ҳақида қисман тассавурга эга бўлади, баъзан эса, уни умуман тушуна олмайди. Шу боис, бу ҳақда илмга эга бўлиш учун энг ишончли Зотнинг, ягона Парвардигор Шри Кришнанинг

гапларини ёки Унинг шогирдлар силсиласида турган ҳақиқий вакилининг гапларини ишонч билан қабул қилган маъкул.

Кришнани англаш ҳаракатининг мақсади – Худони англаб етиш. Бу йўлда унга Парвардигорнинг вакили бўлган руҳий устоз - ташқаридан, инсон қалбида Олий Рух сифатида мавжуд бўлган Парвардигор эса, - ичдан ёрдам беради. Ана шундай раҳбарлик остида руҳий фаолият билан шуғулланиб юрган тирик мавжудотнинг ҳаёти албатта муваффақият билан ниҳоясига етади. Худони англаш ҳаракатининг моҳиятини тушуниб олишга интилаётган кишиларга биз ишончли муқаддас китобларни таклиф қиламиз. Биз "Бхагавад-гита", "Шри Читанья таълимоти", "Шримад Бхагаватам", "Мангу лаззат манбаи", "Садоқат лаззати" сингари китобларни таржима қилиб нашрдан чиқарганмиз. Бундан ташқари, биз ҳар хил тилларда "Худога қайтиш" деган ойлик журнал чиқарамиз. Бизнинг мақсадимиз ва олдимизга қўйган **вазифамиз – инсониятни туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқаришдан** иборат.

Ҳар бир фаросатли инсон Худога эришишга интилиб яшаши лозим. "Худога қайтиш" журналида биз "Коинотдан ташқарида" деган мақола чоп этганмиз. Ўша мақолада "Бхагавад-гита" маълумотларига асосланган ҳолда ўзимиз яшаётган мана шу коинотдан ташқарида жойлашган олам ҳақида маълумотлар берилган. Муқаддас "Бхагавад-гита" бутун жаҳон бўйлаб жуда кенг тарқалган, у Америкада ҳам, Ҳиндистонда ҳам жуда кўп марта нашр қилинган. Афсуски, ғарбий давлатларга "Бхагавад-гита" илмини тарғибот қилиш учун асосан иймонсиз фирибгар одамлар келадилар. Уларни бошқа сўз билан ифодалаб бўлмайди, чунки улар онгли равишда одамлардан Ҳақиқатни яшириб, уларни Ҳақ йўлдан адаштирадилар. Рухнинг табиати биз нашр қилган "Асл ҳолидаги "Бхагавад-гита" китобида аниқ таърифланган.

Космик олам "табиат" деб аталган, лекин, бошқа, олий табиат ҳам мавжуд. Коинот – қуйи табиатнинг намоён бўлган кўриниши, у намоён бўлган ҳолатда ҳам, намоён бўлмаган ҳолатда ҳам мавжуд бўлиши мумкин, ундан ташқарида бошқа табиат – *санатана*, мангу табиат бор. Бу дунёда намоён бўлган нарсаларнинг ҳаммаси – ўткинчи, вақтинчалик нарсалар эканини англаб етиш қийин эмас. Бизнинг танамиз бунга яққол мисол бўла олади. Масалан, сиз ҳозир ўттиз ёшда сиз. Демак, ўттиз йил олдин ҳали сизнинг танангиз намоён бўлмаган эди, яна эллик йилдан кейин эса, танангиз яна ўзининг намоён бўлмаган ҳолатига ўтади. Табиат қонуни шундай. Худди денгиздаги тўлқинларга ўхшаб, тана тақрор ва тақрор намоён бўлиб, кейин яқсон бўлиб туради. Лекин дунёвий одамлар фақат ўзларининг мана шу ўткинчи, истаган пайтда узилиб қолиши мумкин бўлган дунёвий ҳаётини қайғуриб яшайдилар. Бунинг устига, биз яшаётган баҳайбат моддий тана - коинот ҳам бизнинг танамиз сингари, вақти келиб албатта яқсон бўлади. Шундай экан, биз ўзимизни бахтли деб биламизми, бахтсиз дебми, барибир, коинотнинг қаерида, қайси сайёрасида бўлсак ҳам, вақти келганда ҳаммаси тугайди. Шундай экан, барибир яқсон бўладиган сайёраларга саёҳат қилиб, вақтимизни бекорга сарфлаб юришининг нима кераги бор? Биз мангу руҳий оламга, Кришналокага эришишга интилиб яшашимиз лозим. Бу илм илоҳий илм бўлиб, уни тушуниб етишга интилишимиз, тушуниб етгандан кейин эса, уни бутун жаҳонга тарқатишимиз лозим. Ҳозир одамларнинг ҳаммаси ғофиллик зулматида ғарқ бўлиб юрибдилар. Улар ўзлари ҳақида ҳеч нарса

билмайдилар, лекин шунга қарамай жуда мағрурландилар. Нахотки, ўнлаб йиллар давомида шунча буюк олимлар шунча маблағ сарфлаб тайёрлаган экспедиция Ойдан бир қисим тупроқ билан қайтиб келса-ю, уни фан-техниканинг буюк ютуғи деб ҳисобласак? Космик парвозлар шунчаки ёш болалардай мағрурланиш, бошқаларга мақтаниш учун керак, холос: "Мен Ойга чиққанман!" Хўш, Ойга чиқсанг нима бўлди? Бунинг кимга сариқ чақалик фойдаси бор? Ҳатто биз Ойда яшамоқчи бўлсак ҳам, у жойда узоқ яшай олмаймиз. Вақти келиб барибир ҳаммаси яқсон бўлади.

Сиз боргандан кейин орқага қайтиб келмайдиган, ҳаёт мангу даом этадиган, Парвардигор Шри Кришна билан бирга лаззатланиб ўйнаб юрадиган сайёрани топишга ва унга эришишга интилинг. Худони англаб етишнинг моҳияти шундан иборат. Бунга жиддий эътибор беринг, чунки Худони англаб етиш сизга Парвардигорнинг мангу салтанатига эришиш ҳамда шу жойда Шри Кришнанинг мангу эрмакларидан иштирок этиш имконини беради. Ведалар адабиётидан биламизки, моддий олам – Парвардигор яратиб қўйган бутун борлиқнинг атиги тўртдан бир қисми, борлиқнинг қолган уч қисми – мангу руҳий оламдан иборат. Бу "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланган, унда Парвардигор шундай дейди: **"Бу моддий олам – тўла бутуннинг арзимас бир бўлагидир"**. Биз осмонга тикилиб қанчалик узоққа қарамайлик, барибир назаримиз коинот чегараларидан ташқари чиқиб кетолмайди. Лекин, моддий оламда сон-саноксиз коинотлар мавжуд. Ана шу моддий оламдан ташқарида чексиз руҳий осмон ястаниб ётибди. Парвардигор "Бхагавад-гита"да бу ҳақда ҳам айтганки, моддий оламдан ташқарида бошқа, мангу табиат ҳам мавжуд бўлиб, унинг боши ҳам, охири ҳам йўқ. "Мангу" дегани шу нарсанинг "боши ҳам, охири ҳам йўқ"лигини билдиради. Ведалар таълимоти, дини мангу ҳисобланади, чунки унинг пайдо бўлган вақтини аниқлашнинг иложи йўқ. Христианлар дини ўзининг икки минг йиллик тарихига эга, ислом дини минг ярим йиллик тарихга эга, лекин Ведалар динини ўргансангиз, унинг пайдо бўлган вақтини аниқлай олмайсиз. Шунинг учун у **"мангу дин"** деб аталади.

Биз "Худо моддий оламни яратган" деб айтишимиз мумкин. Бу ҳақиқат, демак, Худо олам яралишидан олдин ҳам мавжуд бўлган. "Яратган" деган иборанинг ўзи кўрсатиб турибдики, Парвардигор моддий олам яралмасдан аввал бор бўлган. Демак, Худо яралиш қонунига бўйсунмайди. Агар Худо ҳам яралиш қонунига бўйсунса, қандай қилиб У яратиши мумкин? Агар у яралиш қонунига бўйсунса, Унинг Ўзи ҳам яралган моддий оламнинг бир бўлаги бўлган бўларди. Аммо, Худо яралиш қонунига бўйсунмайди: У – яратувчи Зот, У – мангу.

Рухий осмонда сон-саноксиз руҳий сайёралар ва сон-саноксиз руҳий мавжудотлар бор, руҳий оламда яшашга муносиб бўлмаган зотларни моддий оламга жўнатадилар. Биз ҳозирги моддий танамизни ўз хоҳишимиз билан олганмиз, лекин бундай қилмаслигимиз керак эди, чунки биз аслида бутунлай руҳий табиатга эга бўлган зотлармиз. Биз қачон ва қандай қилиб моддий тана олганимизни аниқлашнинг иложи йўқ. Тирик мавжудот биринчи марта қачон ва қандай қилиб моддий тана олганини ҳеч ким аниқлай олмайди. 8.400.000 турли моддий таналар мавжуд бўлиб, улардан 900.000 тури сувда яшайдиган зотлар танаси, 2.000.000 тури эса, ҳар хил ўсимликларнинг таналаридир. Афсуски, ведавий муқаддас китобларда берилган мана шу илми одамларга жаҳоннинг бирор

Университетда ўргатмайдилар. Бу аниқ ҳақиқатлар бўлиб, биологлар ва антропологлар буни ўз тажрибаларида текшириб кўришлари мумкин. Ўқув юртларида Дарвиннинг эволюцион назариясига катта аҳамият берадилар. Унда модданинг эволюцияси ҳақида гап боради. Лекин, “Бхагавата-пурана” ва катта илмий аҳамиятга эга бўлган бошқа ведавий муқаддас китобларда тирик мавжудотнинг ҳар хил моддий таналар орқали ўтиб эволюцион ривожланиши ҳақида маълумотлар берилган. Ҳозир кўпчилик одамлар онгида Дарвин таълимоти устиворлик қиляпти, лекин унинг бу ғояси янгилик эмас, Ведалар адабиётида моддий оламдаги ҳаёт шароитлари ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган.

Бизлар – моддий оламда яшайдиган барча тирик мавжудотларнинг фақат арзимаган қисмини ташкил этамиз, холос. Моддий оламда ва моддий тана ичида яшаш – тирик мавжудот учун ўзига хос жазо ҳисобланади. Масалан, қамоқхонадаги маҳбуслар – ҳукумат жазолаб қўйган кишилар бўлиб, улар бутун аҳолининг арзимаган қисмини ташкил этадилар. Мамлакатнинг бутун аҳолиси қамоқхонада бўлиши мумкин эмас. Фақат ҳукумат қонунига бўйсунмаган баъзи бир кишиларни қамоқхонада сақлайдилар. Худди шундай, моддий оламда яшаётган шартланган рухлар ҳам – Парвардигор яратиб қўйган бутун борликдаги тирик мавжудотларнинг арзимаган қисмини ташкил этади. Моддий оламга фақат Худонинг амрига бўйсунганини истамайдиган, Қришнанинг истагани бажармайдиган зотлар жўнатилади. Соғлом фикрлайдиган ҳамда қизиқувчан инсонлар албатта ўзларига савол беришлари лозим: “Нимага мен мана шундай шартланган ҳаёт шароитига тушиб қолганман? Мен ахир қийналишни истамайман-ку? Нимага мусибат чекапман?”

Азоб-уқубатларнинг уч тури бор, улардан бири – тана ва ақлимиз сабабли келадиган азоб-уқубатлар. Гавайида, мен яшаётган иморат қаршисида бир киши уйида сўйиш учун мўлжалланган парранда ва ҳайвонларни боқарди. Мен кўпинча шоғирдларимга шу ерда турган ҳайвонларни мисол келтирдим: “Мана бу ҳайвонларга қаранглар. Агар сиз улардан: “Ҳой, азизлар, бу ерда нима қилиб турибсизлар? Бу ердан кетинглар! Сизларни бу ерда ўлдириб юборадилар!” – десангиз ҳам, улар ҳеч қаерга кетмайдилар, чунки бунга уларнинг ақл-фаросати етишмайди”.

Ўзи аслида бу дунёда мусибат чекиб юрганини тушунмайдиган, ана шу мусибатлардан биратўла қутулиш йўлини изламайдиган одамлар ҳам худди шу ҳайвонлар сингари яшайдилар. Агар инсон ўзининг бу дунёда мусибат чекаётганини тушунмаса, “ҳаётим яхши ўтпти, ҳаммаси жойида” деб ўйласа, у ҳайвонлардай яшаб юрган бўлади, демак, ҳали унинг онги инсон даражасига етмаган. Инсон бу моддий оламдаги ҳар қандай ҳаёт албатта уч турли мусибатларга тўла эканини англаб етиши лозим. У яна шуни яхши билиб олиши лозимки, у туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик сабабли келадиган мусибатларга ҳам муқаррар маҳкум. Шунинг учун фаросатли инсон ана шу мусибатлардан биратўла қутулиш йўлини излаши лозим. Ҳақиқий илм-фан мана шу йўналиш бўйича изланиш ва тадқиқотлар олиб бориши лозим.

Дунёга келиб улгурмасданок биз турли мусибатларга дучор бўла бошлаймиз. Инсон тўққиз ой давомида хомила сифатида онаси қорнида қаттиқ қисилиб, жуда ноқулай шароитда яшайди. У ҳатто кўзғалиш, ўзини чакаётган турли ҳашаротлардан ҳимоя қилишга ҳам қурби етмасдан букилиб ётади. Ниҳоят у

туғилади, лекин, барибир унинг изтироблари давом этаверади. Албатта, онаси унга ғамхўрлик қилади, лекин чақалоқ барибир изтироб чекаверади, шунинг учун ҳам у кўп йиғлайди. Чақалоқ бурга қаққанидан ёки қорни огриганидан йиғлаши мумкин, лекин онаси уни қандай юпатишни билмайди. Инсоннинг бу дунёдаги мусибатлари ҳали онасининг қорнида ётган давридан бошланади. У туғилади, ўсиб-улғаяди, лекин тақдирида уни янгидан-янги мусибатлар кутиб туради. У мактабга боришни истамайди, лекин уни бунга мажбур қиладилар. У ҳаётда умуман кераги бўлмаган фанларни ўрганишни истамайди, лекин уни дарс тайёрлашга мажбур қиладилар. Агар биз ўтган умримизни чуқур таҳлил қилсак, кўрамизки, ҳаётимиз турли мусибатларга, азоб-уқубатларга тўла. Шундай экан, **нимага бу дунёга келганмиз ўзи?** Шартланган рухларнинг ўзига шундай савол билан мурожаат қилишга ақл-фаросати етишмайди. Биз албатта ўзимизга шундай савол беришимиз лозим: “Нимага мен азоб чекиб юрибман?” Агар изтироблардан қутулишнинг, мусибатларга тўла бу дунёдан биратўла кетишнинг бирор йўли бўлса, албатта ундан фойдаланиб қолиш керак.

Биз Парвардигор билан мангу ришталар орқали мангу боғланганмиз. Лекин, ҳозир қандайдир сабабларга кўра иллатларга тўла моддий оламга тушиб қолганмиз. Шунинг учун руҳий оламга қайтиб боришимизга ёрдам берадиган бирор усулни топиб олишимиз лозим. Парвардигор билан узилиб қолган ўзаро муносабатларимизни қайта тиклашга ёрдам берадиган ана шундай усул **йога** деб аталади. “Йога” ибораси “алоқа”, “бирлашиш” деган маънони англатади. Ҳозир биз Парвардигордан ажралган ҳолатдаги манфий сонмиз, яъни – “минус Худо”, лекин, биз ана шу “минус”ни “плюс”га айлантирсак, комил инсон даражасига эришган бўламиз. Инсон бутун умри давомида ана шундай руҳий баркамолликка интилиб яшаши лозим, умрининг охирида, ажали етганда – танасини тарк этаётган пайтда эса, эришган руҳий баркамоллигидан фойдаланиб, Худони эслаб, бу дунёни биратўла тарк этиб, Парвардигорнинг мангу салтанатига йўл олиши лозим. **Комил инсон ҳамиша ўлишга, танасини тарк этишга тайёр туриши лозим.** Масалан, коллежда ўқиш уч-беш йил давом этади, давлат имтиҳони эса, ўқувчининг олган барча илмларининг якуний синови бўлади. Имтиҳондан муваффақият билан ўтган ўқувчи диплом олади. Ҳаёт мактабини ўрганан эканмиз, биз ҳам охириги имтиҳонга тайёр туришимиз лозим. Биз ажалимиз етганда оғир синовдан ўтамиз, агар шу имтиҳондан муваффақиятли ўта олсак, руҳий оламга эришамиз. Инсоннинг бутун умри давомида қилган ишлари ажали етган пайтда синовдан ўтади.

Бенгалияликларда шундай мақол бор: “Инсоннинг руҳий баркамоллик йўлида қилган ишларининг ҳаммаси ажали етган пайтида синовдан ўтади”. Парвардигор “Бхагавад-гита”да инсон ажали етиб, ҳозирги танасини тарк этаётганида нима қилиши лозимлигини тушунтирган(8.11-12): “**Ведалар илмини мукамал биладиган, таркидунё қилиб яшаётган буюк донишмандлар оумқарани талаффуз қилиб Брахманга қирадилар. Ана шундай руҳий баркамолликка интилиб, инсон умр бўйи жинсий поклигини сақлашга қасам ичади. Энди Мен сенга инсонни руҳий озодликка олиб чиқадиган йўлни таърифлаб бераман. Йога(Парвардигор билан боғланган) ҳолатида бўлиш – ҳар қандай хиссий лаззатни тарк этиш демакдир. Сизиларнинг барча эшиқларини**

бекитиб, ақлини ўзининг қалбида, ҳаёт нафасини эса, – калласининг юқори қисмида жамлаб, инсон йога ҳолатига ғарқ бўлади”. Йога тизимида бу жараён *пратйахара* деб аталади, бу махсус ибора бўлиб, “қарама-қарши” деган маънони билдиради. Ҳозир бизнинг кўзларимиз ташқи гўзалликка махлиё бўлган, лекин биз уларни ана шу гўзалликдан чалғитишимиз ва ички, қалбимизнинг гўзаллигида жамлашимиз лозим. Мана шу *пратйахара* деб аталади. Худди шундай, инсон ички тинглаш қобилятини қалбидан чиқаётган илохий *омкара* бўғинида жамлаши лозим. “**Танасини тарк этаётган пайтда йогада мустаҳкам турган ҳолда, муқаддас оум бўғинини талаффуз қилиб, охирги нафасида Парвардигорни эслаган киши албатта руҳий оламдаги сайёраларга эришади**” (“Бхагавад-гита”8.13). “Бхагавад-гита”нинг мазкур шеърисида айтилганидек, инсон ажали етган пайтда сезгиларининг барча ташқи фаолиятини тарк этиши ва ақлини *Вишну-муртида*, Парвардигор Вишнунинг кийёфасида жамлаши лозим. Йогада руҳий баркамолликка эришиш йўли шундан иборат. Ақлимиз жуда нотинч, шунинг учун биз уни қалбимизда жамлашимиз лозим. Ақл юракда жамланган, ҳаёт нафаси эса – калланинг юқори қисмига кўтарилган бўлса, инсон йогада баркамолликка эриша олади.

Кейин комил йог танасидан чиқиб қаерга йўл олишни ҳал қилади. Моддий оламда сон-саноксиз сайёралар мавжуд, улардан ташқарида эса, чексиз руҳий олам ястаниб ётибди. Йоглар ведавий муқаддас китоблар орқали ана шу сайёралар ҳақида тўла маълумотга эга. Масалан, Америкага келишдан олдин мен бу мамлакат ҳақида китоблардан кўп нарсаларни билиб олганман. Худди шундай, Ведалар адабиётида моддий оламдаги олий сайёралар ҳамда руҳий олам ҳақида маълумотлар берилган. Қандайдир ҳаво кемаси ёрдамисиз ўзи истаган сайёрага бориш йўлини биладиган йог бу сайёраларнинг ҳаммасини яхши билади.

Дунёвий олимлар неча йиллардан бери бошқа сайёраларга бориш устида тинмасдан меҳнат қияптилар, улар бу йўлда яна юз, минг йиллар тинмасдан уринишда давом этаверишлари мумкин, лекин улар ҳеч қачон бирор сайёрага яқинлаша олмайдилар. Балки, дунёвий илм-фан тараққиёти ёрдамида бир ёки икки киши бирор сайёрага бориб келишга муваффақ бўлар, лекин ҳеч қачон бундай механик қурилмалар кўплаб одамларнинг бошқа сайёраларга эришишига ёрдам беролмайди. Бошқа сайёраларга саёхат қилиш учун ҳамма бирдай фойдалана олиши мумкин бўлган усул - *джнана* ва *йога* билан шуғулланишдан иборат. Аммо *бхакти-йога* билан шуғулланиб юрганлар ўз олдига моддий оламдаги сайёралардан бирортасига эришишни мақсад қилиб қўймайдилар. Парвардигорга, Худонинг Олий Шахси Шри Кришнага садоқат билан хизмат қилиб юрган содикларни моддий оламдаги бирор сайёра кизиктирмайди, чунки улар биладиларки, инсон моддий оламдаги қайси сайёрага бормасин, ҳамма жойда моддий табиатнинг тўрт қонуни муқаррар амал қилади. Баъзи бир сайёраларда ҳаёт Ер сайёрасига қараганда анча узоқ даом этади, лекин барибир у жойда ҳам муқаррар ўлим бор. Лекин, Худони англаб, Кришна онги билан яшаб юрган кишилар туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексалик муқаррар ҳамроҳ бўлган дунёвий ҳаётдан юқори поғонага кўтарилдилар.

Рухий ҳаёт билан яшаш ана шу ташвиш ва мусибатлардан халос бўлиш демақдир. Шунинг учун руҳий илмга эга бўлган донишманд киши ўз олдига

моддий оламдаги бирор сайёрага эришишни мақсад қилиб қўймайди. Одамлар Ойга боришга интиладилар, бу сайёрага бориш жуда мушкул бўлишига қарамай, барибир биз бунга эриша олак, албатта, кейинги оладиган танамизда ҳозиргига қараганда анча узоқ умр кўраимиз. Лекин, мабодо ҳозирги танамизда биз Ой сайёрасига бориб тушадиган бўлсак, шу заҳотиёқ халок бўламиз.

Бирор сайёрага бориш учун аввал ўша сайёранинг шароитларига мос келадиган танага эга бўлиш керак. Ҳар бир сайёрада ўша сайёранинг шароитига мослашган танага эга тирик мавжудотлар яшайди. Масалан, биз ҳозирги танамизда сув остига тушишимиз мумкин, лекин биз сувда яшай олмаймиз. Балки биз сув тагида ўн беш-ўн олти соат қолиб кетишимиз мумкин-дир, лекин ундан ортиқ қоламаймиз. Лекин, сувда яшайдиган ҳайвонларнинг уларга умр бўйи сувда яшаш имконини берадиган алоҳида таналари бор. Агар балиқни сувдан олиб чиқсангиз, у бир неча минут ҳам яшай олмайди. Ўз-ўзидан маълумки, ҳатто бир сайёранинг ўзида ҳам турли шароитларда ҳаёт кечиришга мослашган таналар мавжуд. Худди шундай, агар биз бошқа бирор сайёрага бормоқчи бўлсак, шу сайёранинг шароитига мос танага эга бўлишимиз лозим.

Йога усули ёрдамида ҳозирги танасини тарк этиб Ой сайёрасига боришга эришган киши анча узоқ умр кўриш имкониятига эга бўлади. Олий сайёралардаги бир кун бизларнинг вақт ҳисоби бўйича олти ойга тенг, ведавий муқаддас китобларда айтилишига кўра, уларда яшайдиган зотлар шу ҳисобда 10.000 йил умр кўрадилар. Шундай қилиб, анча узоқ умр кўрадиган ҳаёт шаклига эришиш мумкин, лекин барибир у жойда ҳам муқаррар ўлим бор. Ўн минг йилдан кейинми, йигирма минг йилдан кейинми – фарқи йўқ, барибир муқаррар ажал етиб келади.

Аслини олганда биз ҳеч қачон ўлмаймиз, биз мангу барҳаётимиз. Бу ҳақда “Бхагавад-гита”нинг бошида айтилган(2.20):”**Тана ҳалок бўлганида унинг ичидаги жон, рух ўлмайди, у бошқа танага ўтади**”. Бизлар руҳий табиатга эга бўлган жонимиз, шу боис мангу тирикмиз. Унда нимага биз туғиламиз ва ўламиз? Ҳар бир соғлом фикрлайдиган киши албатта шундай савол беради. Парвардигорни англаб, Унинг амрига итоат қилиб юрган кишилар ҳақиқатан ҳам соғлом фикрлайдиган инсонлардир, чунки улар, қанчалик узоқ умр кўриш имкониятини бермасин, барибир муқаррар ўлим бор бўлган сайёраларга эришишга интилайдилар. Ақсинча, улар худди Парвардигорники сингари мангу руҳий тана олишга интиладилар. Парвардигорнинг танаси *сач-чид-ананда*. *Сач* ибораси – “мангу”, *чид* – “илмга тўла”, *ананда* – “лаззатга тўла” деган маънони билдиради.

Биз нашрдан чиқарган “**Мангу лаззат манбаи**” деган китобда тушунтирилганки, агар биз руҳий оламга – Кришнанинг сайёрасига ёки бошқа ҳар қандай руҳий сайёрага эришсак, - худди Парвардигорникига ўхшаган *сач-чид-ананда*, яъни, илм ва лаззатга тўла мангу танага эга бўламиз. Шундай қилиб, ўз ҳаётида Кришна онги билан яшаб юрган кишилар моддий оламдаги бошқа бирор яхшироқ сайёрага эришишга интилиб юрган одамларга нисбатан бутунлай бошқа мақсад билан яшайдилар. “Бхагавад-гита”(8.12)да Парвардигор Шри Кришна шундай дейди: “**Йогада баркамолликка эришиш – руҳий оламга эришиш демақдир**”.

Рухий табиатга эга бўлган жон – тана ичига қамалган жуда кичик заррача бўлиб, биз уни кўришга қодир эмасмиз. Инсон ана шу руҳий заррани калласи-

нинг юқори қисмига кўтаришни ўрганиш учун йога билан шуғулланади. Йог бутун умри давомида ана шу усул билан шуғулланиб юради ва руҳни калласининг юқори қисмига кўтаришни ўрганиб олгандан кейин ҳозирги танасини ўзи истаган пайтда тарк этиб кета олади. Шундан кейин у ўзи истаган олий сайёралардан бирортасига кўтарилади. Комил йог шундай ҳаракат қилади.

Агар йогни Ойга бориш қизиқтираётган бўлса, у худди Америкагами, Канадагами, ёки сайёрамиздаги истаган мамлакатга бориш имкониятига эга бўлган сайёҳга ўхшаб: “Қани, кўрайлик-чи, Ой дегани қандай сайёра экан? Кейин ундан ҳам юқорироқ сайёрага кўтариламан?”- деб, бемалол Ой сайёрасига кўтарилиши мумкин. Йога усули ёрдамида ҳар хил сайёраларга кўтарилиш мумкин, лекин ҳар бир сайёрада ўзига хос “визалар” ва “божхона” тизими бор. Бошқа сайёраларга бориш учун махсус тайёргарликдан ўтиш лозим.

Худони англаб, ҳаётда Кришна онги билан яшаб юрган кишиларни, ҳатто уларда ҳаёт жуда узоқ давом этадиган бўлса ҳам, вақтинча мавжуд бўлиб турадиган ўткинчи сайёралар умуман қизиқтирмайди. Агар ажали етган пайтда йог илоҳий *оум* бўғинини – илоҳий товуш тебранишларининг қисқача шаклини талаффуз қила олса ва аини пайтда, *мам анусмаран* - Кришнани эслай олса, у ҳақиқий руҳий баркамолликка эришади. Йога билан шуғулланишдан мақсад – ақлни Парвардигор Вишнуда мужассам қилишдан иборат. Имперсоналистлар ўзларича Вишнунинг, яъни “Парвардигорнинг жамолини кўряпмиз” деб фараз қилдилар. Персоналистлар эса, Парвардигорни ўзларининг тасаввурида эмас, балки ҳақиқатан ҳам асл ҳолида кўрадилар. Қандай қилиб бўлса ҳам, ҳақиқатанми, ҳаёланми, - инсоннинг ақли Парвардигор Вишнунинг шахсий қиёфасида мужассам бўлиши лозим. *Мам* ибораси Парвардигор Вишну деганни билдиради. Танасини тарк этаётган пайтда ақлини Парвардигор Вишнуда мужассам қилган киши, ким бўлишдан қатъий назар, албатта руҳий оламга эришади. Ҳақиқий йоглар бошқа бирор моддий сайёрага интирмайдилар, чунки мангу мавжуд бўлмаган сайёраларда ҳаёт ҳам мангу бўлолмайди, шу боис бошқа сайёралар уларни қизиқтирмайди. Етарли тафаккурга эга бўлган кишилар шундай фикр юритадилар.

"Бҳагавад-гита"(7.23)да айтилганки, бу дунёнинг вақтинчалик лаззатларига, вақтинчалик ҳаётга ва ўткинчи қулайликларига маҳлиё бўлиб, алданиб қолган кишилар калтафаҳм одамлардир. *Антават ту пхалам тешам бхаватй алпа-медхасам* – “**Калтафаҳм одамларни ўткинчи нарсалар қизиқтиради**”. "Бҳагавад-гита"да шундай дейилган. Мен мангу тирикман, нимага мен ўткинчи нарсаларга мафтун бўлиб, алданиб юришим керак? Вақтинчалик тирикчилик кимни каноатлантиради? Ҳеч кимни. Масалан, сиз бирор квартирани ижарага олсангиз, унинг хўжайини сал ўтмасдан уни бўшатишни талаб қилса. Албатта бу сизга ёқмайди, лекин агар биз ундан яхшироқ квартирага мангу ўтадиган бўлсак, бундан хафа бўлмаймиз. Биз олдимизга шундай мақсад қўйишимиз лозим. Биз ўлишни истамаймиз, чунки биз мангу тирикмиз.

Моддий оламда биз ўзимизнинг мангу ҳолатимиздан маҳрум бўламиз. "Шримад Бҳагаватам"да шундай дейилади: “**Ҳар куни қуёш чиқиши ва ботиши билан инсон умрини камайтириб бораверади**”. Ҳар бир кун ўтган сайин умримиз тобора қисқариб бораверади. Агар қуёш эрталаб беш яримда чикса, то кечкурун беш яримгача

умримиз бир кунга, яъни, ўн икки соатга камаяди. Биз умримизнинг ана шу ўтган вақтини ҳеч қачон қайтариб ололмаймиз. Биз олимлардан илтимос қилишимиз мумкин: “Ўн икки миллион долларни олингда, менга ўтган ўн икки соат вақтимни қайтариб беринглар”. Улар бунга: “Бунинг иложи йўқ!”- деб жавоб берадилар. Бу иш олимларнинг қўлидан келмайди. Шунинг учун "Шримад Бҳагаватам"да айтилганки, қуёш ҳар куни чиқиши ва ботиши билан инсон умрини тобора камайтириб бораверади.

Ўтмиш, ҳозир ва келажакдан иборат бўлган вақт *кала* деб аталади. Ҳозирги кунимиз эртага ўтмишга айланади, эртаги кун эса, бугунга айланади. Лекин ўтмиш, ҳозир ва келажакдан иборат ўткинчи замон фақат танамизга таъсир қилади, биз ўзимиз эса, мангуликка дахлдормиз. Шунинг учун биз қандай қилиб ана шу мангу ҳаётга эришиш ҳақида бош қотиришимиз лозим. Инсон – юксак даражада ривожланган онг сохибидир, шу боис, у ўзининг ривожланган онгидан фақат, ҳайвонлар ҳам қила оладиган - еб-ичиш, ухлаш, бола-чақа қилиш ва ўзини химоя қилиш учун фойдаланиш билан қаноатланиб қолмаслиги керак. У ўзининг нодир умрини мангу ҳаётга эришиш йўлини излашга бағишлаши лозим. Айтилганки, қуёш ҳар бир лаҳза, дақиқа ва соат сайин бизнинг умримизни қисқартириб бораверади, лекин Уттама-шлока(Парвардигор) ҳақидаги ҳикояларни тинглашга сарфлаган вақтимизни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди. Худони англаш йўлида сарфлаган вақтимизни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди. Мана шу бизнинг мангу бойлигимиз бўлади. Бу бизнинг мангу ҳаётимизга қўшиб қўйилади, мана шу бизнинг “плюс” умримиз бўлади, умримизнинг қолган ҳаммаси “минус” умрдир, яъни, бекорга сарфланган умр бўлади. Агар танани назарда тутсак, замон умримизни тортиб олиши мумкин, инсон қанчалик уринмасин, ҳеч ким ўз танасини мангу олиб қололмайди. Қуёш бизнинг Худони англаш йўлида ўрганган руҳий илмимизни тортиб олишга қодир эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам олган руҳий илмимиз биз билан бирга мангу қолаверади.

Худонинг муқаддас номларини, маха-мантрани зикр қилиш – Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре \ Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре, - кийин иш эмас. Тананинг талабларини қондиришга сарфланган вақтимиздан фарқли равишда, Худонинг муқаддас номларини зикр қилишга сарфлаган вақтимиз ҳеч қачон йўқолмайди. (“Жаннатдаги фаришталар фақат ер юзиде Аллоҳнинг номини зикр қилмасдан ўтказган вақтлари учун афсусланадилар” Ҳадис). Эллик йил олдин мен ёш йигит эдим, лекин у пайтлар ўтиб кетди, уларни қайтариб олишнинг иложи йўқ. Лекин руҳий устозимдан ўрганган руҳий илмни ҳеч ким мандан тортиб ололмайди, бу илм ҳатто бу танани тарк этганимдан кейин ҳам мен билан бирга қолади, агар руҳий илмни мукаммал эгаллаган бўлсам, бу илм мени кейинги ҳаётимда руҳий оламга, Худонинг даргоҳига олиб боради.

Моддий олам ҳам, руҳий олам ҳам Парвардигорнинг мулки. Биз ҳеч нарсага эга эмасмиз. Худди мамлакат ичидаги ҳамма нарса, ҳатто қамокхонадаги нарсалар ҳам ҳукумат мулки бўлгани сингари, атрофимиздаги нарсаларнинг ҳаммаси – Парвардигорнинг мулки ҳисобланади. Шартланган ҳаёт моддий оламда қамокхонадаги ҳаётни эслатади. Қамокхонадаги маҳбус бир камерада бошқа камерага ўз истаги билан эркин ўтиб юра олмайди. Эркинликдаги киши бемалол бир

уйдан иккинчи уйга кўчиб юриши мумкин, қамоқхонада бунинг иложи йўқ, у фақат ўз камерасида қолишга мажбур. Бу дунёдаги сайёралар ҳам қамоқхона камераларини эслатади. Биз Ойга боришга интиламиз, лекин механик қурилмалар ёрдамида бунга эришишнинг иложи йўқ. Биз ҳаммамиз - америкаликлар, хиндлар, хитойликлар, руслар – мана шу сайёрада яшашга мажбурмиз. Гарчи бошқа минглаб, миллиардлаб сайёралар, уларга етиб бора оладиган ҳаво кемаларимиз бўлса ҳам, барибир биз бу сайёрани ташлаб кета олмаймиз. Биз бунга қодир эмасмиз, чунки Худонинг қонунлари, моддий табиат қонунлари билан шартланиб қолганмиз. Қамоқхонанинг бирор камерасидаги киши юқоридан келган буйруқсиз, ўз хоҳиши билан бошқа камерага ўта олмайди. "Бҳагавад-гита"да Парвардигор Шри Кришна айтадики, қамоқхонадаги бир камерадан бошқа камерага ўтишга уринишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Бу билан ҳеч ким бахтга эриша олмайди. Агар қамоқхонадаги маҳбус: "Ҳозир мен мана шу камерадан, агар қамоқхона бошлиғини мени бошқа камерага ўтказишга кўндира олсам, ҳақиқий бахтга эришардим" – деб ўйласа, у қаттиқ адашади. Токи инсон қамоқхонада экан, у ҳеч қачон бахтиёр бўлолмайди. Биз камераларни алмаштириш – капитализмдан коммунизмга ўтиш ёрдамида бу дунёда бахт топишга уриниб юрибмиз. Лекин инсон бўлиб яшайдан мақсад умуман бошқа – ҳар қандай "изм"лардан бутунлай халос бўлишга интилиш керак. Инсон ўз онгидаги моддийлик иллатидан халос бўлиши лозим, фақат шундагина у ҳақиқий бахтга эриша олади. Худони англаш, Кришна онги билан яшашга интилишдан мақсад шундан иборат.

Биз Олий Шахсинг, Парвардигорнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаймиз. Парвардигор Шри Кришна шундай дейди: **"Азизим Аржуна, сен энг олий сайёралар тизимига эриша оласан. Ўша сайёра Брахмалока деб аталади. Шу жойда жуда узоқ умр кўриш мумкин бўлгани бонс кўпчилик одамлар шу сайёрага интиладилар"**. Биз ҳатто Брахмалоканинг ярим суткаси қанча давом этишини ҳам ҳисоблаб чиқа олмаймиз. Бунинг учун бизга маълум бўлган сонлар камлик қилади. Лекин шунга қарамай у жойда ҳам ўлим бор. Шунинг учун Кришна шундай дейди: **"Вақтингни бекорга сарфлама, бошқа сайёраларга эришишга, ёки бир сайёрадан иккинчи сайёрага ўтиб юришга интилма"**.

Мен Америкада учратган одамларнинг аксарият кўпчилиги бир жойда туrolмайдилар. Улар ҳамиша бир квартирадан бошқа квартирага, бир давлатдан бошқа давлатга ўтиб юрадилар. Бунга сабаб шуки, биз ҳамиша ўзимизнинг мангу уйимизни излаб юрамиз. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш бизга бахт келтирмайди. Фақат Парвардигор билан бирга, фақат Унинг ёнида мангу ҳаётга эришиш мумкин. Шунинг учун Парвардигор Шри Кришна бизга шундай дейди: **"Бутун борлиқ Менинг мулкимдир, Менинг Голока Вриндавана деб аталадиган тенгсиз даргоҳим бор"**. Ана шу даргоҳга эришишга интилаётган киши **бунинг учун** Кришнани англаб етса, Унинг қандай қилиб бу дунёга келиб кетишини, аслида У қандай Зот, бизлар қандай зотлар эканимизни, У билан бизлар ўзаро қандай муносабатда эканимизни, бу дунёда инсон қандай яшаш лозимлигини тушуниб етишга **ҳаракат қилса, бас**. Ана шу саволларни шунчаки илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб кўришга ҳаракат қилинг. Худони англаш йўлида ҳамма нарса илмий жиҳатдан асосланган. Бу қандайдир афсона ёки чўпчак эмас, хом-хаёл ёки қуруқ баландпарвоз гаплар ҳам эмас, кўр-

кўрона ишонч ёки афюн ҳам эмас. Булар ҳаммаси аниқ ҳақиқат, аниқ фактлардир. Биз Худони, ҳаётимизни бошқариб турган ягона Парвардигорни ҳақиқатан ҳам тушуниб олишга интилишимиз лозим.

Биз истаймизми, йўқми, барибир бир кун келиб танамизни тарк этишга мажбур бўламиз. Вақти келганда ажалимиз етиб, моддий табиат қонунларига бўйсунган ҳолда танамизни тарк этишга мажбур бўламиз. Ҳатто президент Кеннеди ҳам навбати келганида табиат қонунига бўйсунушга ва ҳозирги танасини бошқа танага алмаштиришга мажбур бўлди. У: "Мен ахир президент Кеннедиман-ку, мен тана алмаштиришни истамайман" - деб айтолгани йўқ. Табиат қонунлари бешафқат.

Инсонларга хос бўлган юксак даражада ривожланган онгимиз моддий табиат қонунлари қандай ҳаракат қилишини тушуниб етиш учун мўлжалланган. Фақат одамларнинг эмас, балки итларнинг, мушукларнинг, чувалчанларнинг, қушларнинг ва бошқа тирик мавжудотларнинг ҳам онги бор. Лекин инсон онги уларникидан фарқ қилиши лозим. "Шримад Бҳагаватам"да айтилганки, биз кўплаб умрлардан кейин ниҳоят инсон танасига эга бўлдик. Энди биз ана шу инсон танасидаги ҳаётдан, нодир инсон умридан тўғри фойдаланишимиз лозим. Илтимос, ана шундай нодир имкониятни қўлдан бой берманг, инсон умридан Худони, Кришнани англаш йўлида фойдаланинг ва ҳақиқий бахтга эришинг!

## Бҳакти-йоганинг асосий қонун-қоидалари

Қандай ҳолатда, қандай шароитда шуғулланишидан қатъий назар, маха-мантрани зикр қилиш билан муроқаба қилиш инсоннинг руҳий юксалишига жуда катта ёрдам беради. Лекин, унинг самарасини яна ҳам ошириш учун буюк устозлар бизга баъзи бир қоидаларга амал қилишни тавсия қиладилар. Инсон зикр билан қанчалик кўпроқ машғул бўлса, унинг бу қоидаларга амал қилиши шунчалик осон бўлади, чунки зикр шарофати билан у руҳий қудратга эга бўлиб, қалбида юксак руҳий лаззатларга интилиш туйғуси кучаяди. Мантра зикр қилишдан илоҳий лаззат ола бошлаган кишининг руҳий юксалиш йўлида ғов бўладиган ҳар хил номаъқул одатларни тарк этиши ҳам осон бўлади.

1. Руҳий юксалишга жиддий интилаётган киши куйидаги тўрт асосий қоидага амал қилиб яшаш лозим:

- а) овқатга гўшт, тухум, балиқ ишлатмаслиги;
- б) маст қилувчи нарсалар(гиёҳванд моддалар, ароқ, тамаки, ҳатто, чой ва кофе) истеъмол қилмаслиги;
- в) ҳар хил кимор, лоторея ўйинларида иштирок этмаслик, ҳаром йўллар билан пул, мол-дунё орттирмаслиги;
- г) зино қилмаслиги лозим.

Бу қоидаларга риоя қилиб яшаш шарофати билан инсон жуда тез вақт ичида руҳий юксалишга эришади, акс ҳолда унинг моддий, ўткинчи дунёвий нарсаларга боғланиши кучайиб, руҳий юксалиши сусайиб кетади. Маха-мантрани мунтазам зикр қилиш жараёни шу қадар кучли илоҳий қудратга эга-ки, вақт ўтиши билан фақат биргина шу амалнинг ўзиёқ ҳеч қийналмасдан мазкур қоидаларга амал қилиб яшаш имконини беради.

2. Мунтазам равишда Ҳазрат А. Ч. Бҳактиведанта Свами Прабхупаданинг китобларини, айниқса, "Асл ҳолидаги Бҳагавад-Гита" ва "Шримад Бҳагаватам" асарларини ўқиб юриш лозим.

3. Қалбини поклаш ва ҳар хил моддий иллатлар билан булғанишдан сақлаш учун инсон ҳамиша аввало Парвардигорга таклиф қилинган вегетариан таомлар билан овқатланиб юриши керак. Бу билан у ўзидан-ўзи барча қилган гуноҳлари оқибатидан халос бўла боради.

4. Ҳаётда ҳар бир қилган ишининг натижасини Худога бағишлаб яшаши керак. Агар юқорида кўрсатилган асосий тўрт қоидага бевосита зид бўлмаса, инсон ҳаётда ҳар қандай фаолият билан шуғулланиб яшаши мумкин, у фақат қилган меҳнатининг натижаларини Худога бағишлаши лозим.

5. Зикр қилиш ёрдамида руҳий юксалишда баркамолликка эришишга жиддий интилаётган киши кундалик турмушида иложи борича, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, қизиқиши ўзиникига яқин одамлар билан кўпроқ ҳамсухбат бўлиб юришга ҳаракат қилиши лозим. Натижада у руҳий жиҳатдан тобора кучлироқ қудратга эга бўла боради. Албатта, атрофимиздаги одамларнинг гаплари, ишлари бизга жуда кучли таъсир кўрсатади, шу боис, руҳий ҳаёт билан қизиқмайдиган, Худога ишонмайдиган иймонсиз, ҳаром-ҳалолнинг фарқига бормайдиган бефаросат, маданиятсиз, нопок, виждонсиз одамлардан узокроқ юрган маъқул.

Худонинг истаган муқаддас номларини зикр қилиш мумкин. Руҳий юксалишда пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. кўрсатган йўлдан бораётган кишилар Парвардигорнинг “Аллоҳ”, “Субҳаналлоҳ”, “Алҳамду-лиллоҳ”, “Аллоҳу акбар” сингари номларини, ёки ўзларининг руҳий устозлари тавсия қилган калималарни зикр қилиб юришлари мумкин. Христиан динига эътиқод қилиб, Ийсо Масих ўғитларига амал қилиб яшайдиган кишилар “Исога илтижо”ни, яъни, “Господе, Исусе Христе, помилуй меня” калимасини зикр қилишлари мумкин. Қадимий ведавий муқаддас китобларда ҳозирги биз яшаб турган, динсизлик авж олган Кали юга давридаги одамлар учун, қайси динда бўлишидан қатъий назар, Парвардигорнинг муқаддас номларидан таркиб топган куйидаги маха-мантрани такрорлаб юриш тавсия қилинган.

Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре  
Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре

Ана шу қоидаларга амал қилиб, руҳий ҳаёт кечира бошлар экансиз, сиз дунёқарашингиз кескин ўзгара бошлаганини яққол ҳис қила бошлайсиз. Биз эса, бу мангу йўлда сизга сабр-тоқат, шижоат ва муваффақият ҳамда қилган ишларингиздан Парвардигорнинг рози бўлишини тилаб қоламиз.